

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИЛОВА ГУЛНОЗА КОМИЛЖОНОВНА

ХУСУСИЙ ДИСКУРСЛАР ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАЛҚИНИНИНГ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ (глюттоник дискурс мисолида)

10.00.11 – Тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Одилова Гулноза Комилжоновна

Хусусий дискурслар лингвомаданий талқинининг назарияси ва амалиёти
(глюттоник дискурс мисолида).....3

Одилова Гулноза Комилжоновна

Теория и практика лингвокультурологической интерпретации специфических
дискурсов (на примере глуттонического дискурса).....37

Odilova Gulnoza Komiljonovna

Theory and practice of linguocultural interpretation of specific discourses (on the
example of gluttonic discourse).....69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....73

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 03/30.12.2019.fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИЛОВА ГУЛНОЗА КОМИЛЖОНОВА

ХУСУСИЙ ДИСКУРСЛАР ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАЛҚИНИНИНГ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ (глюттоник дискурс мисолида)

10.00.11 – Тил назарияси, амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2020.3.DSc/Fil239 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сайфуллаева Раъно Рауфовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Владимир Ильич Карасик
филология фанлари доктори, профессор

Ҳакимов Муҳаммадхон Хўжахонович
филология фанлари доктори, профессор

Шаҳобиддинова Шохиди Хошимовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Қосимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, фил.ф.д., профессор

И.Т. Хожалиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

А.Б. Мамажонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фил.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (Dsc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилдан амалий фойдаланиш, тил масалаларини инсон омили ва ижтимоий вазифалар билан боғлаб талқин қилиш масалалари долзарблик касб этмоқда. Халқнинг маънавий қиёфаси ва тафаккурини ривожлантиришда тил ва адабиётнинг ўрни беқиёс бўлса, ушбу тафаккур ҳосилаларини оламга ёйиш, дунё тамаддунидаги ўрнини мустаҳкамлаб боришда туризмнинг ўрни катта. Зеро, миллий тил ва адабиёт халқнинг менталитал қиёфасига қизиқиш уйғотса, мамлакатнинг тарихий обидалари, маданияти ва турмуш тарзи ушбу қиёфани бор бўйи билан намоён қилади. Туризмнинг ривожланишига хизмат қилувчи назарий ва амалий масалалар тадқиқи замонавий тилшуносликнинг илғор йўналишлари объектидир.

Дунё тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири тилнинг муайян қатламларида учрайдиган хусусий дискурсларнинг лисоний, ижтимоий, маданий, антропологик, семиотик хусусиятларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, адабиёт ҳамда ижтимоий-маиший соҳаларда учрайдиган дискурсларнинг қўлланиш доирасини тадқиқ қилиш кенг ўрганилаётган муаммолардандир. Глюттоник дискурс маълум халқ маданияти, адабиёти, яшаш тарзи ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. «Глюттоник» истилоҳи қадимги француз ва ўрта инглиз тилларидаги *gluttonie*, латинча *gluttire* («ютиш») сўзидан олинган, бу сўз *gula*, «томоқ» деган маънони англатади. «Глюттония» истилоҳи озиқ-овқат жараёнини яхлит ҳолда, яъни уни топишдан тортиб, ярим фабрикатларни қайта ишлаш ва истеъмолга яроқли маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараённи ўз ичига олади»¹. Глюттоник дискурсларнинг лисоний хусусиятларини тадқиқ қилиш, гастрономик истилоҳларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш, миллат ҳаёти, дунёқараши ва адабиётидаги ўрнини белгилашда ёрдам беради. Миллий маданиятни тарғиб этишда глюттоник фреймлар ва архетипларни қайта яратиш муаммоси жуда долзарб.

Ўзбек тилшунослигида дискурс муаммоси билан боғлиқ тил фактларини ўрганиш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, бугунги кунда дискурс ва уни ўрганиш кўпчилик тилшуносларнинг диққатини тортмоқда. Шунинг учун дискурс билан боғлиқ бир қатор изланишлар олиб борилган бўлиб, бу илмий тадқиқотларда дипломатик дискурс ва унинг лексик-фразеологик таркиби, диалогик дискурслардаги нопредикатив бирликларнинг социопрагматик жиҳатлари, сиёсий дискурсларда қўлланилувчи боғловчи феълларнинг функционал-семантик хусусиятлари, антропонимларнинг дискурс релеванти сифатидаги вазифаси монографик планда атрофлича ўрганилган. Аммо глюттоник лексик аппаратни хусусий дискурс сифатида ўрганиш борасида илмий изланишлар олиб борилмаган. Бугунги глобаллашув шароитида гастрономик туризм

¹Державецкая И. А. Ученые записки Таврического национального университета им. В.И. Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации». Том 26 (65). № 1. / Глюттоническая лексика и проблемы её перевода – С. 466-470.

жадал суръат билан ривожланиб бормоқда. Бироқ Ўзбекистонда миллий ошхона имкониятлари кенг бўлишига қарамай, бу соҳа оммалашмаган. Мазкур йўналишнинг муваффақияти шarti Ўзбекистоннинг гастронимия жихатдан жозибадорлигини ошириш, хорижлик сайёҳларга гастронимик хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашдир. Зеро «...туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш» ўта муҳимдир.² Афсуски, бугунги кунда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ресторани ва меҳмонхоналар таомномаларининг аксарияти визуал ва лисоний жихатдан талабга жавоб бермайди. Шу сабабли глуттоник лексик қатламни илмий-назарий планда ўрганиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон қарори, 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон фармони, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ – 5611-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4884-сон қарори, 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108 сон фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб тилшуносларнинг

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ – 5611-сон Фармони. 5.01.2019 // [lex.uz > docs](http://lex.uz/docs)

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи google.scholar.com; americanenglish.state.gov; micros.uz; www.uv.es; www.zora.uzh.ch; cleee@snu.ac.kr; [www.u-tokyo.ac.jp.en](http://www.u-tokyo.ac.jp/en);

қизиқишлари гапдан каттароқ бирликлар доирасига йўнала бошлади. Дискурсга қизиқишнинг бошланиши айнан ўша даврга тўғри келади. Аммо атаманинг қўлланиш тарихи бироз эскироқ: 1950-йиллар бошида америкалик тилшунос З. Харрис гапдан каттароқ матн парчасини дискурс деб атаган⁴. Француз тилшуноси Э. Бенвенист бу атамани мулоқот жараёнидаги нутқни ифодалаш учун ишлатган⁵. Аммо айнан 70-йилларга келиб хорижий тилшунослар – У. Чейф, В. Дейслер, Ж. Граймс, Т. дан Вейкларнинг тадқиқотлари дискурс таҳлилини алоҳида фан йўналиши сифатида шакллантирди.

Замонавий хорижий тилшуносликда дискурс назарияси ва таҳлили мураккаб тектологик йўналиш сифатида ривожланиб бормоқда. Замонавий тилшуносликнинг матн тилшунослиги, психоллингвистика, семиотика, компьютер тилшунослиги, таржимашунослик, риторика, лингвокультурология каби йўналишлари ҳамда фалсафа, социология, этнология, сиёсатшунослик, юриспруденция каби ёндош фан йўналишларида дискурснинг умумий ва хусусий кўринишлари таҳлили олиб борилмоқда. Дискурс бўйича тадқиқот марказлари АҚШнинг Санта-Барбарадаги Калифорния университетида (С. Томпсон, У. Чейф, М. Митун, П. Клэнси ва бошқ.), Лос-Анжелосдаги Калифорния университетида (Э. Шеглофф), Южиндаги Орегон университетида (Т.Гивон, Р.Томлин, Д.Пэйн), Европада эса Амстердам университетида (Т.ван Дейк) мавжуд. Рус олимларидан Н.Д. Арутюнова, Е.С. Кубрякова, В.И. Карасик, И.П. Ильин ва бошқаларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор. Дискурсга берилган хилма хил таърифларга қарамай, бу тадқиқотларни бирлаштириб турувчи жиҳатлар ҳам мавжуд: дискурс жонли ҳаёт бағрида тилнинг намоён бўлиш шаклидир. Аммо унинг намоён бўлиш усуллари, хусусий кўринишлари ва уларга берилган таърифлар борасида олимларнинг фикрлари турлича.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дискурс нафақат тилшунослик, балки педагогика, социология, маданиятшунослик ва юриспруденция каби фан йўналишларида ҳам фаол қўллansa-да, бу атамага яқдил баҳо берилган деб бўлмайди. Дискурснинг умумий тавсифи ҳамда хусусий кўринишларига доир илмий изланишларнинг энг кам сираси таҳлили ҳам бу борадаги қарашларнинг ғоят хилма-хиллигини кўрсатди⁶. Масалан:

www.ras.ru; adwww.ecu.edu.au; unice.fr/en; www.sophia.ac.jp/eng; www.msu.ru; www.vsu.bu; www.education.ua/universities; www.kaznu.kz; ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

⁴Harris Z.S. Discourse Analysis // Language. 1952. No. 8. – P. 1–30.

⁵Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974. – 293 с.

⁶Арутюнова Н. Д. Дискурс // Лингвистический энциклопедический словарь / гл. ред. В. Н. Ярцева. М., 1990. – С. 136-137; Белозерова Н. Н. Парадоксы дискурса [Электронный ресурс].

URL: <http://frgf.utmn.ru/last/No13/text04.htm>; Григорьева В.С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагмалингвистический и когнитивный аспекты. – Тамбов: Изд-во ТГТУ, 2007. – 288 с.; Дейк Т. А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989. – 308 с.; Зотов А. Ф. Современная западная философия. Изд-е 2-е. – М.: Высшая школа, 2005. – 781 с.; Карасик В. И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. тр. – Волгоград, 2000. – С. 5-20. Каримова Р. А. Семантико-структурная организация текста (на материале устных спонтанных и письменных текстов). – Уфа: Изд-во БашГУ, 1991. – 156 с.; Кибрик А. Е. Моделирование языковой деятельности в интеллектуальных системах. – М., 1987. – 280 с.; Красных В. В. Основы психоллингвистики и теории коммуникации: Курс лекций. – М., 2001. – 270 с.; Кубрякова Е. С. О тексте и

«Дискурс – коммуникатив ҳаракатнинг ёзма ёки оғзаки вербал маҳсули»⁷; «Дискурс матн билан бирга унинг ҳосил бўлиши ва қабулловига таъсир этувчи лингвистик бўлмаган омилларни ўз ичига олган мураккаб коммуникатив ҳодисадир»⁸; «Дискурс – коммуникантларнинг онгини ўз ичига олган коммуникатив вазият ва мулоқот жараёнида яратилган матн»⁹; «Дискурс – мулоқот вазиятига чўмган матн»¹⁰; «Дискурс – воқеа жиҳатдан олинган экстралингвистик, прагматик ва бошқа омиллар билан бирлаштирилган изчил матн»¹¹; «Дискурс – муайян когнитив ва типологик тарзда шартли алоқа макони амалга ошириладиган коммуникатив ҳодисадир»¹².

Дискурс (франц. *discourse*; ингл. *discourse*; лот. *discursus*; орқа-олдига югурмоқ; айланма-такрорланувчи ҳаракат; суҳбат; нутқ) – экстралингвистик-прагматик, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқа омиллар билан бойитилган изчил матн; воқеага боғлиқ баҳоланган матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида қабул қилинган одамларнинг ўзаро таъсири ва улар онгининг механизмлари (когнитив жараёнлар)нинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган нутқ. Дискурс – «ҳаётга чўмган» нутқ. Шунинг учун «дискурс» атамаси, «матн» атамасидан фарқли ўлароқ, жонли ҳаётга бўлган алоқалар бевосита тикланмайдиган қадимги ва бошқа матнларга нисбатан қўлланилмайди, дейилади энг кенг тарқалган таърифларда¹³.

Тилшуносликда А.В.Олянич, М.В.Ундрицова, Л.Р.Ермакова, И.А.Державецкая, Н.П.Головницкая¹⁴ каби рус олимлари илмий

критериях его определения [Электронный ресурс]. URL: <http://www.philology.ru/linguistics1/kubryakova-01.htm>; Ловцевич Г. Н. Кросскультурный терминологический словарь как средство репрезентации терминологии гуманитарных наук. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 2009. – 264 с.; Макаров М. Л. Основы теории дискурса. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2003. – 280 с.; Михалева О. Л. Дискурс как объект исследований [Электронный ресурс]: курс лекций. URL: <http://ruslang.isu.ru/education/discipline/philology/discurs/material/13/>. Филипс Л. Дж., Йоргенсен М. В. Дискурс анализ. Теория и метод / пер. с англ. Изд-е 2-е, испр. Х.: Гуманитарный Центр, 2008. – 624 с.; Фуко М. Археология знания / пер. с фр.; общ. ред. Б. Левченко. К.: Ника-Центр, 1996. 208 с.; Чернявская В. Е. Дискурс как объект лингвистических исследований // Текст и дискурс. Проблемы экономического дискурса: сб. науч. тр. – СПб.: С. Петерб. гос. ун-т экономики и финансов, 2001. – С. 11-22.; Якобсон Р. Тексты, документы, исследования / отв. ред. Х. Баран, С. Гиндин. – М.: Рос. гос. гуманит. ун-т, 1999. – 918 с.; Fiske J. Television Culture. L. – N.Y.: Methuen and Co Ltd., 1987. – 355 p.; Harris Z. S. Discourse Analysis // Language. 1952. No. 8. – P. 1-30.

⁷ Дейк Т. А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – М., 1989. (308 с.) – С. 46.

⁸ Каримова Р. А. Семантико-структурная организация текста (на материале устных спонтанных и письменных текстов). – Уфа: Изд-во БашГУ, 1991. (156 с.) – С. 8.

⁹ Кибрик А. Е. Моделирование языковой деятельности в интеллектуальных системах. – М., 1987. (280 с.) – С. 41.

¹⁰ Карасик В. И. О типах дискурса // Языковая личность: институциональный и персональный дискурс: сб. науч. ст. – Волгоград, 2000. – С. 5-20.

¹¹ Арутюнова Н. Д. Дискурс // Лингвистический энциклопедический словарь / гл. ред. В. Н. Ярцева. – М., 1990. – С. 136-137.

¹² Чернявская В. Е. Дискурс как объект лингвистических исследований // Текст и дискурс. Проблемы экономического дискурса: сб. науч. ст. – СПб.: С.Петербург. гос. ун-т экономики и финансов, 2001. – С. 14.

¹³ Дискурс – Языкознание // jazykoznanie.ru; Дискурс. Три подхода к определению дискурса [Электронный ресурс]. URL: <http://jazykoznanie.ru/content/view/60/249/>.

¹⁴ Олянич А.В. Презентационная теория дискурса. Монография. – Волгоград: Парадигма, 2004. – 507 с.; Ундрицова М.В. Глюттотический дискурс: лингвокультурологические, когнитивно-прагматические и переводческие аспекты. Дисс. канд. филол. наук. – М.: 2015. – 292 с.; Ермакова Л.А. Глюттотические прагматонимы и национальный характер: Автореф. канд. филол. наук. – Белгород, 2011. – 171 с.; Державецкая И. А. Глюттотическая лексика и проблемы её перевода / Ученые записки Таврического

тадқиқотларида глуттоник дискурснинг лексик-семантик, прагматик ва лингвокультурологик муаммолари рус ва инглиз тиллари мисолида қиёсий таҳлилга тортилган. Хорижлик олимлардан Фред Л. Гардафе, Веннинг Су, Кара К. Киллинг ва Скотт, Кесслер, Брад, Лейнс, Венди ва Ромона Перез¹⁵ ва бошқалар «*food*» («овқат») концептининг бадиий адабиётда учрашини тадқиқ қилганлар.

Ўзбек олимларидан Ж.Ш. Сафаров, Л.Р. Раупова, қардош олимлардан А.Б. Туманова, В.К. Собировалар тилшуносликда дискурсив таҳлил борасида илмий изланишлар олиб борганлар¹⁶. Кейинги йилларда кам сонли бўлса-да глуттоник дискурсга бағишланган ишлар ҳам кўрина бошлади¹⁷.

Юқоридаги тадқиқотларда глуттоник дискурснинг ўзбек ва инглиз тафаккуридаги ўрни, лингвокультурологик хусусиятлари, жанрлари ўрганилмаган. Глуттоник дискурснинг гастрономик олам миллий манзарасини яратишдаги роли кўрсатиб берилмаган. Кишилар ижтимоий онгининг ўсиб бориш динамикасини таҳлил қилишда глуттоник дискурс тадқиқининг ўрни ёритилмаган. Турли хусусий дискурсларда учрайдиган гастрономик лексиканинг стилистик ва бадиий хусусиятлари таҳлил қилинмаган. Ўзбек миллий таом номинантлари ва таомномаларни яратиш ва бошқа тилларда беришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилмаган. Кулинар глоссарий яратиш тамойиллари ишлаб чиқилмаган. Гастрономик туризм инфротузулмасини шакллантиришда замонавий тилшуносликнинг ўрни аниқ таҳлиллар ва тавсиялар ёрдамида ёритиб берилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг «Турли тизимдаги тилларнинг лисоний ва типологик хусусиятлари» илмий йўналиши доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Диссертациянинг асосий мақсади хусусий дискурсларнинг лингвокультурологик тавсифи муаммоларини ўрганиш ва

национального университета им. В.И. Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации». Том 26 (65). № 1 – С. 466-470; Н.П. Головницкая / Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 2, Языкознание. 2010. № 1 (11)
¹⁵Gardaphé, Fred L. and Wenying Xu. "Introduction: Food in Multi-Ethnic Literatures." MELUS 32.4 (2007): 5-10. Web. 11 Jan. 2011; Keeling, Kara K. and Scott T. Pollard. "Introduction: Food in Children's Literature." Critical Approaches to Food in Children's Literature. Ed. Kara K. Keeling and Scott T. Pollard. New York: Routledge, 2009; Kessler, Brad. "One Reader's Digest: Toward a Gastronomic Theory of Literature." The Kenyon Review 27.2 (2005): 148-165. Web. 11 Jan. 2011, Leynse, Wendy and Romona Pérez. "Food as Metaphor." Encyclopedia of Food and Culture. Gale, 2003. N. pag. Answers.com. Web. 8 Jan. 2011; Nestle, Marion and Alex W. McIntosh. "Writing the Food Studies Movement." Food, Culture and Society: An International Journal of Multidisciplinary Research 13.2 (2010): 159- 171. Web. 7 Feb. 2011.

¹⁶Сафаров Ж.Ш. Структура дипломатического дискурса и его лексико-фразеологический состав (на материале английского языка): Дисс. канд. филол. наук. – Самарканд, 2000. – 175 с.; Раупова Л.Р. Диалогик дискурсадаги нопредикатив бирликларнинг социопрагматик тадқиқи: Филол. фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 2012. – 220 б; Туманова А.Б. Языковая картина мира в художественном дискурсе писателя: Автореф. дисс... докт филол... наук. – Алматы, 2000. – 40 с.; Собирова В.К. Литература кыргызского зурубежье как часть общего социально культурного контекста Кыргызстана (дискурсивно-концептуальный анализ): Автореф. дисс... докт филол... наук. – Бишкек, 2013. – 50 с.

¹⁷Хакимова С. Инглиз ва ўзбек тилларидаги озик-овқат компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик таҳлили // ЎЗМУ хабарлари. Филология фанлари. – 2016. №1. – Б. 276-279.

хал этишга доир тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Бу мақсад глуттоник дискурс мисолида амалга оширилади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хусусий дискурсларнинг оламнинг лисоний миллий манзарасини акс эттиришдаги жиҳатларини кўрсатиб бериш;

глуттоник дискурснинг гастронмик олам миллий манзарасини акс эттиришдаги ўрнини кўрсатиб бериш;

глуттоник дискурснинг лисоний аспектларини ўрганиш;
маданиятлараро мулоқотда хусусий-глуттоник дискурс интерпретациясини таҳлил қилиш;

миллий маданиятларда глуттоник дискурснинг хусусий жиҳатларини тавсифлаш;

бадий асардаги глуттоник дискурсга оид матнларни қайта яратишда адекватлик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объектини глуттоник дискурсга оид матнлар, бадий ва соҳавий матнлар, хусусан, Ўзбекистон ва АҚШ шаҳарлари ресторани менюлари, глуттоник дискурсга оид бадий асарлар, рецепт тўпламлари, кулинар йўриқномалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети глуттоник дискурснинг лингвомаданий хусусиятларни ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда коцептуал, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик, лингвокультурологик, этимологик, когнитив таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

глуттоник дискурс истилоҳи, унинг меню, рецепт, таомнома каби жанрларининг лингвистик хусусиятлари аниқланган;

оламнинг миллий лисоний манзарасини англашда глуттоник дискурс таҳлилининг аҳамияти очиб берилган;

илк бор глуттоник дискурснинг тарих, лингвомаданиятшунослик, когнитив лингвистика ва бошқа соҳалар билан боғлиқлиги асосланган;

ўзбек ва инглиз адабиётида глуттоник дискурс таҳлилга тортилган ҳамда ўзбек адабиётидаги нон, сув, буғдой, дастурхон, ўчоқ каби глуттоник стереотипларнинг генезиси исботланган;

бадий асарлардаги глуттоник дискурсни таржимада қайта яратиш муаммоларининг назарий ва амалий жиҳатлари асослаб берилган;

«меню» – таомнома ҳамда «рецепт» илк бор ўзбек тилидаги глуттоник дискурснинг мустақил жанри сифатида ўрганилиб, кулинарияга оид терминологик луғат яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ва АҚШ, Британия ресторани таомномаларининг лингвокультурологик типологик ва прагматик хусусиятлари далилланган;

Ўзбекистондаги хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ресторан ва ошхоналар учун таомнома ва таомнома таржимасининг лингвистик ва стилистик баҳолаш мезонлари ёритиб берилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

200 дан ортиқ ўзбек миллий таомлари рецептлари инглиз тилига таржима қилинган;

200 дан ортиқ ўзбек миллий таомлари учун махсус таомнома изоҳлари яратилган;

ўзбек ва инглиз тилларида кулинар терминологик луғат яратилган;

Ўзбекистон бўйлаб етти кунлик «гастротур» туризмига киритилган ресторанларда таомнома яратиш бўйича тренинглар ўтказилган;

«Лаззатли Ўзбекистон» – биринчи ўзбек кулинар энциклопедияси чоп этилган;

«Глюттоник дискурс асослари» номли монография нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган материалларнинг тил табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам берганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, глюттоник дискурс жанрлари услубиятини яратиш ва мукамаллаштириш мезонларини ишлаб чиқишда амалда исботланган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот материаллари глюттоник дискурс масаласини лингвистик таҳлил қилиш, гастрономик олам миллий лисоний тасвирини қайта яратишга оид назарий хулосаларни шакллантиришга хизмат қилади. Ўзбек адабиёти ва ижтимоий ҳаётида глюттоник дискурснинг тутган ўрни, лингвомаданий ўзига хосликлари ва концептуал хусусиятларининг чуқур тадқиқ этилиши тил рецепторларининг озиқ-овқат терминологиясини ижтимоий ҳаётда қўллаш когнициясини англашда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот келажакда шу соҳада амалга ошириладиган «Бадий адабиётда тановул мавзуси», «Болалар адабиётида глюттоник мавзу», «Ижтимоий онг тараққиётини баҳолашда глюттоник дискурснинг роли», «Тарихий реалликни тиклашда глюттоник дискурс», «Озиқ-овқат рекламалари таржимасининг услубий муаммолари», «Рақамли форматдаги таом рецептлари ва видеоларида таржима муаммолари» каби кўплаб илмий ишларга назарий асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан, шунингдек, олий таълим муассасалари таржимонлик, хорижий филология, ўзбек филологияси, туризм ва сервис факультетларида маъруза ва амалий машғулотларни ташкил қилишда, тил назарияси ва амалиёти бўйича соҳага оид магистрлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлашда, ўқув ва услубий қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда келтирилган таснифий жадваллар, илмий хулосалар, туризм ва сервис соҳасида фаолият юритаётган ресторан ва умумий овқатланиш корхоналари (УОК) таомномаларини яратиш, гастрономик туризм ташвиқотига оид флаерлар, реклама ва эълон матнлари тайёрлашда лингвистик жиҳатдан амалий йўриқнома бўлиб хизмат қилади. Таржимачилик соҳасида, гастрономик лексикага оид икки тилли изоҳли луғатларни яратишда мазкур диссертация методик асос сифатида қўлланиши мумкин. Диссертациянинг амалий натижаси сифатида яратилган «Лаззатли

Ўзбекистон» (ўзбек, инглиз, рус тилларида) биринчи кулинар энциклопедиясига киритилган терминологик луғат ва методик иловалардан Ўзбекистонда гастронимик сервис тизимида муҳим аҳамиятга эга назарий ва амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот бўйича олинган натижалар асосида:

АҚШнинг Висконсин-Мэдисон университетиде ўқилган «Food discourse in contemporary Uzbek literature» маърузасида келтирилган тавсиялардан Ўзбек-Америка таржима лойиҳаларида ўзбек адабиётидан инглиз тилига таом ва тановул мавзусидаги матнлар таржимасига оид тавсиялардан фойдаланилган (Висконсин-Мэдисон университети 2018 йил 19 июлдаги маълумотномаси). Натижада АҚШ Висконсин Мэдисон университети ёзги ўзбек тили курси амалий машғулотида АҚШлик талабалар томонидан ўзбек тилидаги ҳикояларни инглиз тилига таржима қилиш жараёнида ўзбек тилидаги таом дискурсини аслиятга адекват қайта яратишга эришилган;

ўзбек миллий таомларини чет тилига таржима қилишга оид амалий тавсиялардан Ўзбек-Италия таржима лойиҳаларида фойдаланилган (Seo AQ International the Cultural Association Nrcr.it Italy ассоциациясининг 24 август 2019 да берган маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда ўтказилган Италия таомлари ҳафталигида италянча таомлар мастер-классини ўзбек тилида шарҳлаш ва оғзаки таржима қилиш, ҳафталик доирасида тайёрланган италянча таомномани ўзбек тилига ўгиришда лингвистик хатоликлар юзага келмаган;

ўзбек ва инглиз миллий таом номинантлари таржимасига оид хулосалардан 2018-2019 йилларга мўлжалланган «Delicious Uzbekistan» («Лаззатли Ўзбекистон») биринчи Ўзбекистон кулинар энциклопедияси Ўзбекистон бўйлаб 7 кунлик «Гастротур» номли лойиҳада фойдаланилган. Жумладан, мазкур тадқиқотда келтирилган амалий хулосалар биринчи ўзбек кулинар энциклопедиясини яратишда қўл келган. Шунингдек, мазкур энциклопедия сўнгида келтирилган ўзбек-инглиз ва рус тилларидаги биринчи кулинар терминологик луғатни тайёрлашда мазкур диссертациянинг «Кулинар глоссарий тайёрлаш тамойиллари» 4.4-бўлими асос бўлиб хизмат қилган (Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси 2020 йил 8 октябрдаги 02-16/4721-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тилида рецепт ёзиш назарияси яратилди ва биринчи ўзбек кулинар энциклопедиясининг ўзбек ва инглиз тилларидаги матнларида лингвистик хато ва камчиликлар бартараф этилди. Мазкур китоб дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан келган 500 дан зиёд ошпазлар ва соҳа мутахассислари ўртасида (2019 йил 6 ноябрь) «Лаззатли Ўзбекистон 2019» халқаро кулинар чемпионати доирасида презентация қилинди ҳамда ҳорижий мутахассислар эътирофига сазоввор бўлди. Ушбу кулинар энциклопедия ўзбек пазандачилигини дунёга тарғиб этишда ва сайёҳлар ўртасида оммалаштиришда муҳим илмий асосланган назарий ва амалий манба ҳисобланади.

миллий глуттоник прагматонимларни мантиқий номлаш билан боғлиқ натижалардан А-ОТ-2019-10 рақамли «Ўзбек тилида нейминг: меъёрий-

хуқуқий асосларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳанинг «Ресторан ва умумий овқатланиш корхоналари номлари захирасини яратиш» бўлимида фойдаланилган. Жумладан, мазкур тадқиқот ишининг «Гастрономик соҳага оид матнлар таржимасининг лингвомаданий муаммолари» бобидаги «Глюттоник прагматонимларнинг лингвистик хусусиятлари» бўлимида келтирилган Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ресторанларга ном бериш мотивациялари таҳлили ва илмий хулосалари асосида лойиҳа доирасида умумий овқатланиш корхоналарига ном беришнинг лингвистик мезонлари ишлаб чиқилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги 2020 йил 29 сентябрдаги 89-03-3594-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа яратилган нейминг лингвистикаси назарияси ҳамда «Ном яратишнинг миллий технологияси» рисоласига «Ресторан номларини мантиқий номлаш» бўлими киритилди.

Диссертациянинг умумий хулосаларидан, шунингдек, гастрономик сервис сифатини ошириш мақсадида таомномалар таржимасини ва дизайнини экспертизадан ўтказувчи Кенгаш ташкил этиш тўғрисидаги таклифлардан «Ўзбекистон Миллий тикланиш» демократик партияси дастури ва сайловолди платформасини яратишда, партия фракцияси томонидан «Ўзбекистонда туризм соҳасида сервис кўрсатиш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020 йил 5 октябрдаги 01-243-сон маълумотномаси). Натижада 2019 йил Ўзбекистон Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган Ўзбекистон Гастрономик туризми ассоциациясининг «Ўзбекистоннинг гастрономик жозибадорлигини ошириш gastrotourism.uz сайтини яратиш» лойиҳаси ҳамда 2020 йил официантларнинг инглиз тили саводхонлиги ва хизмат кўрсатиш онлайн малакасини ошириш учун мўлжалланган servant.uz платформасини яратиш лойиҳалари амалга оширилди;

Диссертация илмий натижаларидан “Ипак йўли туризм халқаро университети”, Туризмни ривожлантириш институти билан ҳамкорликда Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари томонидан яратилган 5.81.02.02 “Сервис ва туризм” 5.81.02.01 “Туризм мутахассислиги”нинг малака талабларини тайёрлашда фойдаланилган (Туризмни Ривожлантириш институтининг 2020 йил 20 октябрдаги 11-147 сон маълумотномаси). Натижада туризм ва сервис кўрсатиш йўналиши бўйича лицей ва коллежлар учун мўлжалланган ресторан менежменти ва хизмат кўрсатиш соҳаси фан ўқув дастурига таомнома яратиш, уни тузиш ва таржима қилишнинг лингвистик муаммоларига оид мавзулар киритилди ва ўқув материаллари мазмуни бойитилди;

диссертация илмий хулосаларидан «Тилга эътибор», «Ассалом, Ўзбекистон» телекўрсатувлари сценарийларини ёзишда фойдаланилган («Ўзбекистон» телеканалининг 2020 йил 5 октябрдаги 233-76-15 сон

маълумотномаси). Натижада айна эфирга узатилган кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва янги манбалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш нашр этилган, жумладан, 1 та монография, 1 кулинар энциклопедия ва луғат, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалар қисмидан иборат бўлиб, ҳажми 280 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Оламнинг лисоний манзараси ва дискурс**» деб номланиб, унинг биринчи бўлимида «Оламнинг миллий лисоний манзараси ва глуттоник дискурс» ҳақида гап боради. Замонавий тилшуносликнинг янги йўналишларидан бири – тилдаги лисоний олам манзарасини ўрганиш орқали маълум миллат характерини лингвомаданий моделлаштириш. *Оламнинг миллий лисоний манзараси* (ОМЛМ) истилоҳи тилшуносликда замонавий тренд сифатида кенг тадқиқ қилинмоқда. ОМЛМ – бир бутун, кўп тармоқли олам образи, кишиларнинг ижтимоий ва индивидуал онгида олам ҳақида ҳосил бўлган тушунчалари йиғиндиси¹⁸. ОМЛМ ҳали тилшуносликда ўзининг мукамал тавсифига эга эмас. Уни тизимлаштириш жараёнида ОМЛМ асосини концепт ёки миллий тушунчалар, семиотик белгилар ёки тил ташкил этиши масаласи хануз ечимини топгани йўқ. Тилшуносларнинг бу борада бир тўхтама келмаганликлари мазкур тушунчанинг муайян лингвистик аспект сифатида яхлит ҳолда тушунилишига халал беради. Тилдаги тасаввурлар – муайян тил жамияти тафаккурида пайдо бўлган ва она тилида аксини топган ОМЛМ ҳақидаги тасаввурлари, воқеликни концептуаллаштиришнинг муайян воситаси. Инсонни ўраб турган воқелик унинг онгида ўша жамият этноси

¹⁸Каналаш О.П. Национальная картина мира как компонент лингвистического исследования // *Lingua mobilis* – № 6 (39) 2012. – С. 70.

томонидан онг ости тафаккурига сингиб кетган мавжуд тушунчалар тизими (концептуал тизим)да воқеланади. Концепт – ҳиссиётларда, эмоция ва тасаввурда, ишонч ҳосил қилишда, урф-одат, диний эътиқодда намоён бўладиган ҳодиса, у тил бирликлари воситасида ифодалаб берилади¹⁹. Ҳар бир миллат онгида ўзига хос концептуал тушунчалар мавжуд, улар замон руҳига қараб ўзгариши, баъзан эса эскириб, ўз таъсирчанлигини йўқотиши мумкин. Баъзи тилшунослар тилнинг концептуал тизимини «оламнинг концептуал манзараси» деб аташмоқда. Шунинг баробарида, мазкур истилоҳ умумий ОМЛМ фонидида ўрганилувчи муайян тилга хос концептлар асосида ўша тил ташувчиларининг ОМЛМни кашф этишига хизмат қилишини таъкидлашмоқда²⁰. ОМЛМ ниҳоятда кенг тушунча, халқнинг этномаданияти, мифологияси, фалсафаси, фольклори кабиларни ўз ичига олади²¹. Тилшуносларнинг бу борадаги фикрлари шу даражада хилма-хилки, масала чуқурлашган сари калаванинг учини топиш қийинлашиб боради. Бу ҳолатни проф. Н. Маҳмудов ҳам таъкидлаган²². Бизнингча, концепт – оддий лисоний тушунча эмас. Бу тушунча бир қадар кенгроқ моҳиятга эга. Олима Д. Худайберганова ҳам концептнинг кўп қиррали ва кўп қатламли ментал тузилма эканлигини таърифлар экан, концепт «бир вақтнинг ўзида психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларни намоён этишини, чунки, концептнинг когнитив ва лингвокультурологик тадқиқотлар объекти сифатида тавсифланаётгани ҳам шундан далолат бериб» турганлигини таъкидлайди²³. Кузатишларимизга кўра, концепт ва тушунча муносабати олимларни энг чалғитувчи соҳадир. Кўпчилик концептни тушунча билан тенг, яна бошқалар концепт тушунча таркибига киради, деб ҳисоблайди.²⁴ Концепт ва тушунча умумий ва фарқли томонларга эга. Кўрсатилганидек, «... иккала ҳодиса ҳам тафаккур бирлиги сифатида намоён бўлади, иккаласининг ҳам бошланғич нуқтаси воқеликдаги предмет – ҳодисанинг ҳис қилиниши ва образли тасаввур қилиниши билан боғлиқ»²⁵. Воқеликдаги предмет, ҳодиса, ҳаракат ҳақидаги билим тушунча бўлса, ушбу билимга тил ташувчисининг маданий-менталитал баҳоси концептдир.

¹⁹Черкашина Е.В. Национальная картина мира и её репрезентация в повестях Н. В. Гоголя «Майская ночь, или утопленница», «Страшная месть» // В мире науки и искусства: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии: сб. ст. по матер. V междунар. науч.-практ. конф. – Новосибирск: СибАК, 2011.

²⁰Пименова М.В. Концептуальная картина мира //Языковая картина мира: Учебная пос. – Изд. 3-е доп. – Санкт-Петербург: СПбГУ. 2011. – Серия “Славянский мир”. – Вып. 7. – С. 75-91.

²¹Попова З.Д. Стернин И.А. Язык и национальная картина мира. Воронеж: Истоки, 2007. – С. 59.

²²Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқ йўллари излаб / Ўзбек тили ва адабиёти . – Тошкент, 2012. – № 5 сон. // <https://www.google.com/behzodfazliddin.uz-til-tadqiqi>

²³Бу ҳақда қаранг: Бахронова Д. Олам лисоний манзараси тасвирида концепт ва концептосфера / Хорижий филология, 2019. – №3. – Б. 64.

²⁴Карасик В.И. Ценностная картина мира: межкультурный аспект / Языковое сознание: содержание и функционирование. Психолингвистика ва коммуникация назарияси бўйича XIII Халқаро симп.: маърузалар тезислари / Е.Ф.Тарасов ред. остида. – М.: РАН ИЯ, 2000; Калишук Д.М. Базовые концепты современного англоязычного дискурса. Концепт «демократия» // Леся Украинка номидаги Волинск миллий ун-ти илмий хабарномаси. – Луцк, 2009. 16-сон: Филологические науки. Языкознание. – Б. 81-85; Чижова Л.Е. Специфика репрезентации концепта здоровье в речевом этикете // Саратов ун-ти янгиларлари. Янги серия. Филология. Журналистика серияси, 2009. – 1- нашр. – Б. 46 – 49.

²⁵Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 15-16

Масалан, «тупроқ» (хили, тури: бўз, кесак, унумдор ва ҳ. к. тушунча; *она тупроқ* – «*ватан*»; *тупроқда ётибди* – «*вафот этмоқ*» – ва ҳкз. ҳолатларда концепт) деганда онг остидаги турли маъно ва тушунчалар тизими тасаввуримизга келади ва «тупроқ» концептининг концептосферасини ҳосил қилади. «ОМЛМ» бу концептосфера эмас. Концептосфера – ОМЛМ яхлитлигини таъминловчи лисоний унсурлардан бири. ОМЛМ кенгрок ходиса, унинг шаклланишида миллий-маданий тушунчаларни ўз ичида жамлаган концептуал тизим билан бир қаторда табиатнинг ҳам таъсири мавжуд. Иқлим шароити, ўсимлик дунёси ва ҳайвонот олами лисондан чиқаётган ҳар бир тушунча ва сўзда ўз аксини топади. Муайян концептлар йиғиндиси тил ташувчисининг концептосферасини ташкил қилади ва у ўзи иштирокчисига айланган дискурсда ана шу концептуал онги доирасида мулоқотга киришади. Тилшуносликда кенг қўлланувчи *дискурс* истилоҳи (фр. *discours*, ингл. *discourse*, лот. *discursus* – орқа-олдинга югурмоқ; ҳаракат, бир ўқ атрофида айланиш, суҳбат, гурун) «тил фаолияти жараёни», «нутқ», «сўзлашиш усули» деган маъноларни англатади. Миллий ўзига хосликлар ёзма ва оғзаки дискурсда ўз аксини топади, оламнинг лисоний ва миллий манзаралари ўртасида боғлиқлик ҳосил бўлади²⁶. Инсон бевосита иштирокчисига айланган дискурслар йиғиндиси оламнинг лисоний манзарасини ташкил қилади. Ана шу лисоний манзара негизида муайян тилнинг ОМЛМ ҳосил бўлади. Бу ОМЛМ умумий олам манзараси ҳақидаги тасаввур билан узвий боғлиқ.

Тил – концептуал тизим – дискурс – ОМЛМ силсилавий градуономик қатори ОМЛМнинг аспектларини ташкил қилади. Ҳар бир дискурс ОМЛМни ҳосил қилишга хизмат қилади. Аммо бу тасвир фақатгина бир миллатга хос фикр ва қарашлар, маънавий онг, урф-одатлар, этногенез характердаги тушунчалар маҳсули ҳисобланади. Ҳар бир миллат вакилининг микроолами унинг миллатига хос ОМЛМнинг ажралмас қисми ҳисобланади. ОМЛМ бир миллатга хос бўлса-да, унинг асосида умумий ва ягона ОЛМ ҳақидаги тасаввур ётади. Муайян дискурсга тегишли тушунчалар миллий тафаккурдаги оламнинг миллий манзараси харитасида ўша дискурс чизгилари асосида ҳосил бўлган микрооламни пайдо қилади. Шу микрооламлар, турли яхлит ОМЛМни юзага чиқаради. Гастрономик олам тасвирини юзага келтирувчи гастрономик ёки глоттоник дискурс тушунчасидир. Диссертацияда дискурс назарияси ва хусусий дискурслар таснифи борасидаги қарашлар батафсил таҳлил қилинган. Хулоса қилиб айтганда, дискурс – нутқ ва нолисоний омиллар йиғиндиси бўлган мулоқот шакли. Биз қуйида олиб бориладиган дискурсив таҳлилда ана шу умумий формула асосида иш кўраимиз. Дискурснинг хусусий кўринишларидан глоттоник дискурс материаллари умумий хулосаларимиз учун асос бўлади.

Одам пайдо бўлибдики, озиқ-овқат – унинг кундалик эҳтиёжи, яшаш учун курашишини таъминловчи асосий восита. Инсоният эволюциясининг дастлабки поғоналаридаёқ индивид ҳар куни юзлашадиган физиологик

²⁶Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков: Языки русской культуры, 1999. – С. 139.

ходисага айланиб улгурган таом тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш жараёни тилдаги муайян лисоний «худуд»ни эгаллайди. Ҳар бир миллатнинг ОМЛМда «таом» концепти алоҳида ўрин тутати. Оч одамнинг тафаккурида олам – истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган мавжудлик. Бу глобал когнитив мурожаат инсоннинг маиший оламини истеъмол қилиш, сарфлашга бўлган уриниши асосини ташкил қилади²⁷. Юқорида келтирганимиздек, замонавий тилшуносликда оғзаки ва ёзма нутққа тегишли лексик birlikларни кичик гуруҳларга бўлиб тадқиқ қилиш кенг ёйилмоқда. Шундай тадқиқ турларидан бири дискурсив таҳлил, муайян йўналишга оид барча лисоний ҳодисаларни қамраб олувчи дискурсив тадқиқотлар кундан-кунга долзарбланимоқда, десак, муболаға бўлмайди.

Лингвистикада таом билан боғлиқ лисоний тушунчалар тадқиқи «глюттоник дискурс таҳлили» дейилади.

Глуттоник истилоҳининг ўзаги қадимги француз ва ўрта инглиз тилларидаги *glutonie*, лотинча *gluttire* – «ютиш» сўздан олинган, бу сўз асоси *gula* «томоқ» деган маънони англатади. *Глуттония* истилоҳи озиқ-овқат жараёнини яхлит ҳолатда, яъни уни топишдан тортиб, ярим фабрикатларни қайта ишлаш ва истеъмолга яроқли маҳсулот тайёрлашга бўлган жараённи ўз ичига олади²⁸. Глуттоник дискурсининг лисоний жиҳатини тадқиқ қилиш, тилнинг гастрономик ОМЛМни теранроқ англашга ёрдам берса, гастрономик олам ҳақидаги тасаввурлар билан танишув миллат ҳаёти, дунёқароши, маданияти ва ижтимоий муҳити ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. А.В. Олянич «Презентационная теория дискурса» номли монографиясида ОМЛМда глуттоник когнитив системани келтириб ўтади²⁹. Унинг фикрича, глуттоник дискурс таом тайёрлаш жараёнини ўз ичига олган лингвомаданий ва этномаданий тушунчалар билан узвий боғлиқ, *глуттоник* истилоҳи *гастрономия* тушунчаси билан корреляцияланади (пазандачилик санъатини билиш ва уни қўллашни ўз ичига олади) ва ҳар қандай этномаданиятнинг глуттоник когнитив системасига уйғун тушади³⁰. Бобнинг иккинчи қисмида «Глуттоник дискурсининг лингвистик хусусиятлари» таҳлил қилинган. Глуттоник дискурс тадқиқи хориж тилшунослигида 1960-1970 йилларда К.Леви-Стросс, Р.Барт ва М.Дуглас тадқиқотларида этномаданият мифологияси ва дин нуқтаи назаридан ўрганилди³¹. Глуттоник дискурс – егуликка алоқадор коммуникация жараёнида тилнинг ўзига хос хусусиятини юзага чиқариш йўллари билан бири. Егулик истеъмоли жараёни миллатларнинг этник, диний қарашлари инъикоси бўлса, «овқат» шу миллатнинг гастрономик

²⁷ Олянич А.В. Презентационная теория дискурса. Монография. – Волгоград: Парадигма, 2004. – Б. 397.

²⁸ Державецкая И.А. Ученые записки Таврического национального университета им. В.И. Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации» Том. 26 (65). – № 1 / Глуттоническая лексика и проблемы её перевода – С. 466-470.

²⁹ Олянич А.В. Презентационная теория дискурса. Монография. – Волгоград: Парадигма, 2004. – С. 397.

³⁰ Бу ҳақда қаранг: Ермакова Л.Р. Глуттоническая номинация в этнокультурном аспекте / Филологические науки / 9. Этно-, социо-и психоллингвистика. // [https:// www.rusnauka.com](https://www.rusnauka.com)

³¹ Леви-Стросс К. Происхождение застольных обычаев. – М.: Университетская книга. 2000. – 461 с.; Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. – М., 1994. – С.387; Douglas M. Deciphering a meal: New York; London: Routledge, 1971. – P. 36-54.

коммуникациясига хос бўлган бир қатор семиотик хусусият, маъновий бирликни ўзида мужассам этган доминант тушунча сифатида асосий ўринни эгаллайди³². М.В. Ундрицова оламнинг гастрономик манзараси гастрономик номинатив фондда шаклланиши, у ўз ичига метафоралар, фразеологик бирликларни олишини таъкидлайди. Олиманинг фикрича, гастрономик олам манзараси қуйидаги омиллар асосида юзага келади: 1) егулик ҳақидаги мифологик тасаввурлар; 2) дин нуқтаи назаридан егулик истеъмоли билан боғлиқ чекловлар ёки рухсатлар; 3) баъзи бир егуликларнинг асосий истеъмол маҳсулотига айланишига хизмат қилган иқлимий шароитлар; 4) худудий жойлашувга табиат таъсири³³. Дин – миллат гастрономик олам манзарасининг шаклланишидаги асосий омил. Кишиларнинг диний ва мифологик қарашлари уларнинг гастрономик ОМЛМга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Натижада диний эътиқод ва қарашлардан келиб чиқиб ҳар бир миллатнинг гастрономик олам манзараси турлича бўлади. Бу эса, ўз навбатида, глуттоник дискурсада ўз аксини топади. Қуръонда (ислом динида) таом истеъмоли билан боғлиқ чекловлар келтирилган. Хусусан, бешинчи боб егуликка бағишланган бўлиб, муқаддас китобда ҳалол (рухсат этилган) ва ҳаром (тақиқланган) таомлар рўйхати келтирилади ҳамда бутун бошли гастрономик лексика қўлланади. Чўчқа гўшти, спиртли ичимликлар ва ўлакса гўшти тақиқланади. Буюрилган ҳаёт тарзини яшаб ўтган бандаларнинг жаннатга кириши айтилади. У ерда улар ўзлари истаган ноз-неъматлардан сархил мевалар, ўзлари хоҳлаган парранда гўштлиридан, булоқларнинг сувларидан татиб кўриш бахтига мушарраф бўладилар (Қуръон, 56-сура, 18-21-оятлар)³⁴. Ундрицованинг назарий қарашларини Қуръон асосида юзага келган тасаввуфий таълимотлар ва унинг миллатимиз онгига, адабиётига, гастрономик олам ҳақидаги тасаввурига сингиб кетган исломий ғоялар ҳам тасдиқлайди. Абу Наср Саррож тасаввуф тариқатининг қуйидаги мақомотларини қайд этади: 1. Тавба. 2. Варъа. 3. Зухд. 4. Фақр. 5. Сабр. 6. Хавф. 7. Ражо. 8. Таваккул. 9. Ризо. Учинчи мақом бўлмиш зухд – варъанинг давоми, бу – парҳез, ҳазар қилиш демак. Бунда таом ва ичимликдан сақланиш, ҳалол ва ҳаромни ажратишга алоҳида эътибор берилади. Зухд сўфий учун дунё тарки, «дунё молига эга бўламани», деб интилмаслик (ҳадис: Кимки дунёдан парҳез этса, унинг қалби тажаллиёт нури кирадиган жойга айланади). Жунайд Бағдодий сўзи: «Зухд дунёдан ихтиёрий равишда воз кечиш ва бунинг учун қайғурмаслик»³⁵. Адабиётимизнинг маънавий илдизларигача сингиб кетган руҳ ва моддият ўртасидаги кураш, моддийлик ғалаба қилса, ҳайвонийлик, руҳ устун келса, илоҳийлик устун келиши ҳақидаги тасаввуфий қарашлар ўзбек гастрономик олам манзарасининг тарихий асоси бўлиб хизмат қилади. Тасаввуфий таълимотга эргашувчи мумтоз адабиётимиз намояндаларининг асарларида ҳам овқатдан, унинг

³²Земскова А.Ю. Лингвосемиотические характеристики англоязычного гастрономического дискурса. Дисс....канд. филол. наук: 10.02.04. – Волгоград, 2009. – 338 с.

³³Ундрицова М.В. Глуттонический дискурс: лингвокультурологические, когнитивно-прагматические и переводческие аспекты. Дисс....канд. филол. наук. – М.: 2015 – С. 13.

³⁴Бу ҳақда қаранг: Ундрицова М.В. – С. 14.

³⁵Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Моваруннаҳр, Ўзбекистон, 2009. – Б. 27.

лаззатини сўз билан тасвирлашдан тийилиш устунлик қилган. Бу ҳодиса эса, табиий равишда замонавий адабиётимизга ва у орқали тилимиздаги ўзбек глуттоник дискурсига таъсирини ўтказмай қолмаган. Ўзбек гастрономик олам манзарасининг ҳосил бўлишида мифологик глуттонимларнинг ҳам роли катта. Нон, сув, бугдой, дастурхон, пичоқ, ўчоқ билан боғлиқ мифологик қарашлар уларнинг муқаддас тушунчалар сифатида ўзбек глуттоник дискурсида ўз ўрнига эга бўлибгина қолмай, глуттоник коммуникациянинг асосини ташкил этувчи гастрономик фреймларга ёки архетипларга айланишига хизмат қилди. Диссертацияда бундай қарашлар бафуржа таҳлил этилган. Мамлакатларнинг географик жойлашуви эса гастрономик олам манзарасининг турли тилларда ҳар хил акс этишига олиб келади. Масалан, узум етиштиришга географик жиҳатдан қулай иқлим шароитига эга бўлган, 12 та худуди виночиликка ихтисослашган Франция учун «шароб» (вино) концепти маданият, «Француз миллатининг тарихий анъаналари рамзи» каби маъноларга эга³⁶. Бу, ўз навбатида, шароб билан боғлиқ прагматик ассоциацияларнинг ижобий бўёқ олишига, француз гастрономик олам манзарасида шаробнинг ижобий коннотацияга эга бўлишига хизмат қилади.

Тараққиёт давомида глуттоник когнитив системада ўзгаришлар содир бўлади. Бугунгача тузилган глуттоник когнитив тузилмаларда гастрономик олам манзарасида содир бўлаётган яқин ўн йиллик тараққиёт ўз аксини топмаган. Назаримизда тилшунослардан А.В. Олянич глуттоник дискурс ҳақида энг аниқ ва асосли қарашларни илгари сурган³⁷. У тавсия этган глуттоник когнитив система тузилмаси асосида ўзбек гастрономик ОМЛМни ташкил этувчи қуйидаги когнитив системани яратишга ҳаракат қилдик: егулик топиш воситалари (*қармоқ, қопқон, ов милтиги, тўр*); егулик топиш йўллари (*ижобий: ишлаш, тадбиркорлик, деҳқончилик, фермерлик, олибсотарлик; салбий: товламачилик, фирибгарлик, порахўрлик, ўғрилик*); егулик етиштириш воситалари (*полиз ва боғдорчилик қуроллари, кетмон, ўроқ, комбайн, иссиқхона, томчилаб суғориш компьютер техникаси*); тайёр маҳсулотларни истеъмол учун қайта ишлаш воситалари (*олов, сув, консервалаш, мини технологиялар, вакуумли қадоқлаш технологиялари*); овқат тайёрлаш воситалари (*пичоқ, тахтакач, кўп функцияли сабзавот қирққичлар, гўшт қиймалагич, миксер, блендер, ошхона комбайни, шарбат тайёрлагич, электр гўштқиймалагич*); табиий хом маҳсулотни пиширишга мўлжалланган асбоб-ускуналар (*қозон, ўчоқ, тандир, газ плитаси, электр плитаси, микротўлқинли печ, пароварка, мультиварка, грил, манқал*); таомни истеъмолга ҳозирлаш ва безашда ишлатиладиган эстетик воситалар (*турли салфеткалар, шамлар, сочиқ, тақинчоқлар, замонавий карвинг усулида кесилган мева ва сабзавотлар*); таом истеъмоли учун мўлжалланган жойлар (*ошхона, маҳалла гузари, мактаб-лицей ва давлат муассасаларидаги буфет*

³⁶ Логинова П.Г. Языковая манифестация лингвокультурного концепта “Вино”: фразеологический аспект (на материале французского, итальянского, испанского, английского и русского языков). Дисс. канд. филол. наук. М.: 2017. – С. 122.

³⁷ Олянич А.В. Презентационная теория дискурса. Монография. – Волгоград: Парадигма, 2004. – Б. 397.

ва оиҳоналар, чойхона, ресторан, кафе, оилавий кўнгилочар мажмуалар («Sunday», «Next», «Mega Planet», «Samarqand Darvoza»)); егулик харид қилиш жойлари (маҳалла растаси, бозор, мини-маркет, супер-маркет, гипер-маркет, ижтимоий тармоқлар ва веб сайтлар (интернет орқали)); егулик билан боғлиқ тадбирлар (туғилган кун, тўй, марҳум оши, чарлар, банкет, бешик тўйи, суннат тўйи, наҳор оши, қиз базми). Ушбу когнитив система атрофида содир бўладиган коммуникацион жараёнлар глуттоник дискурда ўз аксини топади. Ҳар бир миллат онги, тафаккури ва менталитети, иқлими ва маданиятидан келиб чиқиб, турли тилларга хос бўлган глуттоник дискурс бир-биридан фарқ қилади. Модомики, бир миллатга хос ОМЛМ таҳлил қилинар экан, бу тасвирнинг тўлиқ шаклланишида глуттоник дискурсининг ўз ўрни бор. Зеро, бир миллатнинг гастрономик олам манзарасига оид тасаввурларни ўрганиш, ўша миллатга хос ОМЛМни теранроқ тушунишга хизмат қилади.

Икки тил ва маданиятлар тўқнашувида глуттоник дискурсни англаш, бир қатор лисоний ва нолисоний омиллардан хабардорликни тақазо этади. Икки хил маданият кишиларининг олам ҳақидаги тасаввурлари тилда турлича ифодаланганидек, таом ва у билан боғлиқ жараёнларнинг инсон онгидаги синтези турлича бўлади. Бу масала кейинги «Маданиятлараро мулоқотда глуттоник дискурс талқини» бўлимида кўриб чиқилган. Бир миллатнинг глуттоник дискурси тадқиқот объекти қилиб олинса, бу тадқиқотда ўша ҳудудда содир бўлаётган сиёсий-иқтисодий жараёнларга ҳам бемалол баҳо бериш мумкин бўлади. Кишиларнинг нимани истеъмол қилишлари уларнинг яшаш тарзи, сиёсий қарашлари ва ватанпарварлигидан ҳам далолат беради. Миллий характернинг доминант сифатлари тил семантикаси ва лисонда учрайдиган муайян ҳолатларда ўз аксини топган. Бироқ бугунги кунда мазкур ҳолатнинг специфик хусусиятлари кам ўрганилган. Бир халқнинг гастрономик ОМЛМни кашф этишда кишиларнинг глуттоник коммуникация номинантлари (яъни овқат тайёрловчи мутахассислар) га муносабати ҳам муҳим. Сабаби, ОМЛМ ва гастрономия ўзаро динамик таъсир этиб бориш кучига эга, бир миллат маданиятининг ажралмас қисмларидир. Глуттоник ҳодисалар номинантлари тил вакилларининг шу ҳодисаларга бўлган муносабатида акс этади. Ўзбек тилида ошпаз, новвой, қандолатчи, сомсапаз, кабобпаз, ҳолвапаз каби глуттоник коммуникация иштирокчилари мавжудки, уларга бўлган муносабат ўзбекларнинг миллий характерини кўрсатади. Масалан, ўзбек тилида ошпазга нисбатан қўлланадиган пазанда, устазода, қўли ширин каби сифатлар ўзбек ОМЛМда глуттоник коммуникация иштирокчилари – адресант (ошпаз) ва реципиент (хўранда) га бўлган ижобий муносабатни англатади. Бу эса, ўзбек ОМЛМда гастрономик олам алоҳида ўрин эгаллашини кўрсатади. Шунингдек, инглиз ва рус тилларида глуттоник фаолият номинантларидан *slinger* (бармен), *servant* (хизматкор), яъни официант кабилар борки, улар ўзбек гастрономик ОМЛМда турли даврда ўз ижобий ва салбий бўёқдорлигига эга бўлган.

Муайян миллатнинг глуттоник дискурси ёт маданият вакили бўлган рецeпиент томонидан нотўғри қабул қилиниши ёки когнитив диссонанс³⁸ ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Ўзбек ва инглиз маданиятидаги глуттоник дискурснинг лингвомаданий муаммоларини ўрганар эканмиз, бу икки маданиятдаги глуттоник дискурсга оид бир хил умуминсоний тушунчаларнинг маданиятлараро талқинини ўрганишимиз лозим кўринади.

Миллий характерни ўрганиш, бир тил вакиллариининг дунёқарашларини таҳлилга тортишда гастрoномик фреймлар тадқиқи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бир хил тушунчанинг икки маданият онгидаги турлича ёки ўхшаш интерпретациясини таҳлил қилиш, маданиятлар тўқнашувида юзага келадиган психоэмоционал муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради. Ўзбек маданиятида «чой ичиш» ҳамма иш тугаганда, оёқни узатиб чарчок чиқариш, гурунглашиш, аёллар ўртасидаги чой ичишлар «ғийбатлашиш», «дардлашиш» кабиларни англатади. Шу сабабдан иш вақти идорада тушлик пайти бўлмаса, чойнақдан чой қуйиб, давра бўлиб чой ичиб ўтириш маъқулланмайдиган ҳолат ҳисобланади. Бироқ иш столи устида турган бир финжон ёки пиёладаги иссиқ чой одатий ҳолат ҳисобланади. Чой ичишдан мақсад доим ҳам чанқoқни қондириш бўлмайди. Масалан, инглиз маданиятида дўстлари ёки яқин танишларни уйга чойга таклиф қилиб, инглиз чойхўрлиги анъаналарини намоёйиш этиш бу ўша оиланинг аслзода, инглиз кадриятларига содиқ эканлигини кўрсатиш учун ҳам қилиниши мумкин.



Ўзбек ва инглиз маданиятида «чой ичиш фрейми» М.В.Ундрцова томонидан таклиф этилган мазкур фрейм тузилмаси кластери асосида таҳлилга тортилган экан, бунга кўшимча равишда «мақсадлар» слоти киритилди. Зеро, «чой ичиш фрейми»нинг икки маданият кесимидаги қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ўзбек ва инглиз маданиятида бир қатор умумий

³⁸ **Когнитив диссонанс** (от лот. *cognitio* «англаш» и *dissonantia* «носозлик», «уйғунликнинг йўқлиги») — индивиднинг онгидаги ёт тасаввурлар ва кадриятлар тафовутига реакцияси натижасида юзага келган психологик дискомфорт ҳолати.

ўхшашликлар (чойга маҳсулотларни қўшиб истеъмол қилиш, жараён ости субфрейми) ва фарқлар (маросим, жараён олди субфрейми, муҳит) кўзга ташланди. Бироқ, бу икки маданиятнинг умумий бир жиҳати борки, бу чой ичишдан мақсадда намоён бўлади. Икки халқ маданиятидаги чой ичиш фреймида ҳам ҳаракатдан мақсаднинг мавжудлиги, икки миллат маданиятларининг муштараклигини таъминлайди.

Тилшуносликка оид тадқиқотларда глуттоник дискурс объекти сифатида «овқатланиш», «чойхўрлик», «диний маросимлардаги тановул дастурхони» ва ҳ. к. глуттоник фреймлар тадқиқ этилса, бу орқали нафақат бирор миллатнинг тановул қоидалари, балки овқатланиш маданияти ва шу миллат кишиларининг табиати, феъл-атвориға хос бўлган хусусиятларни ҳам ойдинлаштириш мумкин бўлади. Шу маънода айтиш мумкинки, «Глуттоник дискурс» психология ва маданиятшунослик, когнитологик тадқиқотлар объекти ҳамдир.

Ишнинг иккинчи бобида «Глуттоник дискурда миллий-маданий тушунча ва прагматика» борасида фикр юритилар экан, биринчи бўлимда «Глуттоник дискурда миллий маданий тушунчалар таҳлили» амалга оширилган. Ҳар бир миллат лексикасида шундай глуттоник номинантлар учрайдики, улар шунчаки таом ёки озуқа номинанти эмас, балки, шу халқнинг миллий глуттоник архетиплари ҳамдир.

Архетип – (юн. *Archetypon* – образнинг илк асоси, модель) – инсон тафаккури, ижодий тасаввурига хос бўлган турғун «схема» фикрий конструкция ва қолиплар, мотив ва уларнинг турли комбинациялари. Архетип тушунчаси швейцариялик руҳшунос К.Юнг таълимоти билан боғлиқ ҳолда оммалашди³⁹. Кулинар архетиплар универсал ва этник каби турларга бўлинади ва маданиятнинг таянч элементи сифатида қаралади. Архетип тасаввурда миллий характерни яхлитлайдиган дунёни англашнинг миллий усули сифатида мавжуд⁴⁰. Масалан, она архетипи атрофида юзага келадиган концептуал тизимда турли миллат тилларида «нон» глуттоними келиши маълум. Ўзбек, рус ва инглиз тилли халқлар орасида ноннинг она архетипи бўлиб келиши кузатилса-да, ҳар бир тилдаги шу сўзнинг концептуал харитасида маълум фарқланишларни ҳам кўриш мумкин. Диссертацияда нон, пичоқ, ўчоқ, дастурхон каби архетиплар ўзбек, рус, инглиз, хитой халқлари глуттоник архетиплари билан параллел таҳлил қилинган. Бобнинг иккинчи қисмида «Глуттоник дискурсни қайта яратишда адекватлик мезонлари» ишлаб чиқилган. Таржиманинг мукамал бўлишида эквивалентлик муҳимми ёки адекватлик, деган савол таржимашуносликда катта баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. *Эквивалент* лотинча «*aequivalens*» сўзидан олинган бўлиб, «тенг кучли» деган маънони англатади. *Адекват* сўзи ҳам лотинча «*adaequatus*» сўзидан олинган бўлиб, «тўла мос», «бир-бирига

³⁹Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати – Тошкент: Академик нашр, 2013. – Б. 37.

⁴⁰Ермакова Л.Р. Глуттонические прагматонимы и национальный характер: автореф. дисс...канд. филол. наук. – Белгород, 2010. – С. 11.

айнан ўхшаш» каби маъноларни англатади⁴¹. Бу борадаги Ю.Я. Найда⁴², В. Виноградов⁴³, В. Комиссаров⁴⁴ ва бошқаларнинг ишларини тадқиқ этдик. Номзодлик диссертациямизда бадий таржимада эквивалентлик ва адекватлик ўртасидаги фарқ, хусусан, адекватликни баҳолашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиққан эдик. Таржима адекватлигини рецептор позициясидан баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун таржиманинг адекватлигини таъминлашда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш кўрсатиб берилган эди: а) икки матн прагматик салоҳиятини тенглаштириш; б) ўқувчи (рецептор) билим ва тафаккур дунёсини ҳисобга олиб, бадий тасвири идрок этишига имконият яратиш; в) аслиятнинг миллий, этнопсихологик, лингво-културологик заминидан узоқлашмаслик⁴⁵. Ушбу мезонлар асосида тадқиқотимиз объекти ҳисобланган глуттоник дискурсга оид матнларда адекватлик мезонларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Сабаби, мазкур дискурсни тадқиқ қилган олимларнинг ишларида асосан глуттоник дискурснинг когнитив хусусиятлари таҳлилга тортилган бўлиб, шу кунгача глуттоник дискурсни таржима қилишда адекватлик мезонлари ишлаб чиқилмади. Биз глуттоник дискурсга оид матнларни икки турга – бадий ва таом рецептлари ва таомнома матнларига бўлиб, ҳар бири учун таржима адекватлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва қуйидаги мезонларни тавсия этамиз: 1. Бадий асарларда глуттоник дискурс таржимаси адекватлиги қуйидаги мезонлар бўйича ўлчаниши мақсадга мувофиқдир: 1) юқори даражадаги лингвистик мувофиқлик (матннинг лингвистик таркиби таржимада қайта яратилган, услубий воситалар, лингвосемиотик ишоралар таржима матнида мавжуд, асар мазмуни аниқ ифодаланган); 2) таржимада реалия глуттонимлар ва глуттоним ўхшашмаларнинг қайта яратилганлиги (матндаги реалиялар тушириб қолдирилмаган, трансформацион усуллар ёрдамида таржима қилинган, озик-овқат номларига муқояса компонентли ўхшашмалар таржима тилида функционал эквивалентлар билан алмаштириб таржима қилинган, шу компонент ҳосил қилган аслиятдаги маъно таржимада қайта яратилган); 3) таржимада аслиятдаги экспрессивлик ва таъсирчанликнинг узатилиши; 4) гастрономик олам миллий манзарасининг қайта яратилганлиги (аслият тилига хос гастрономик олам ҳақидаги маданий, диний ва мифологик қарашлар таржимада қайта яратилган); 5) глуттоник дискурс воситасида ифодаланган асар қаҳрамони портретининг қайта яратилганлиги (қаҳрамоннинг психологик ёки физиологик портрети, ёзувчининг ўз қаҳрамони характериға муносабатини ифодалаб келган глуттоник дискурсга оид негатив, ижобий ва нейтрал эмоционал тасвирий воситалар, ўхшашма ва

⁴¹ Словарь иностранных слов. – М., 1979. – С. 17.

⁴² Бу ҳақда қаранг: Nida, Eugene A, Charles.R. Taber. The Theory and Practice of Translation. – Leiden.: Brill. 1969. – 185 p.; Найда Ю.Я. К науке как переводить // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. Сборник статей. – М.: Международные отношения, 1978. – С. 115.

⁴³ Виноградов В.С. Введение в переводоведение. – М.: ИОСО РАО, 2001. – С. 18.

⁴⁴ Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). – М.: Высшая школа, 1990. – С. 246.

⁴⁵ Одилова Г. Ўзбек ва инглиз шеърляти таржималарида адекватлик муаммолари. Филол. фан. номзод. дисс. – Тошкент: 2011. – Б. 34.

ономатопеаларнинг бадий таржимада қайта яратилганлиги); **6)** асар аслияти маданиятига хос меҳмоннавозлик анъанасининг қайта яратилиши (аслият тили вакилларининг овқатланиш ва меҳмоннавозлик маданиятига хос урф-одат ва иримлар имплицит тағмаъно экспликацион таржима орқали кўрсатиб берилган); **7)** муаллиф ғоясини максимал узатиш (глюттоник матн композицияси остига яширинган муаллиф ғояси, қаҳрамоннинг ижтимоий ҳолати маркировкаси сифатида қўлланган глюттонимларнинг изоҳли таржималари берилган); **8)** бадий тасвирни рецепторга равшан етказиш (муаллифнинг гастрономик фантазияси ҳосиласи бўлган глюттонимларнинг бадий тасвирлари стилистик ва маъно жиҳатдан адекват таржима қилинган); **9)** лексик-семантик мувофиқликни таъминлаш (аслият матнидаги глюттонимларнинг таржима тилида лексик-семантик жиҳатдан функционал эквивалентлари ва тўла анологлари танланган).

II. Рецепт ва таомнома матни таржимаси адекватлиги мезонлари: Рецепт:

1) матндаги терминлар адекватлиги; 2) кулинар жараён кетма-кетлиги мос келиши; 3) рецепт матни услубияти адекватлиги; 4) ноёб маҳсулот номлари ва неологизмлар изоҳининг мавжудлиги; 5) ўлчов бирликлари истилоҳларининг аниқ таржимаси; 6) мазмун адекватлиги. Таомнома: таомнома услуби адекватлиги; гастрономик терминология эквивалентларининг иккинчи тилда тўғри танланганлиги; таом изоҳлари таржимасида услубий бўёқдор сўзларнинг иштироки мавжудлиги; таомнома устунлари номлари адекватлиги. Бобнинг кейинги қисмида «Бадий асарлардаги таом реалиялари ва глюттоним ўхшатмаларнинг прагматик хусусиятлари» ўрганилган. Бу борада кўплаб олимларнинг қарашлари таҳлил қилинган ва глюттоник реалиялар қуйидаги гуруҳларга ажратилган: Озиқ-овқат номлари: *ош, манти, мошкичри, гилминди, сомса, тухумбарак, пицца, raviолли, шанежки*. Таомга солинадиган бир миллат ошхонасига хос масаллиқ ва зираворлар номлари: *бих, соя, вассаби, хмели сунели, карри*. Ичимлик номлари: *айрон, гўжа, қимиз, бўза, шинни, саке, текилла, пиво*. Ошхона анжомлари, идиш-товоқлар номлари: *тандир, чакич, рапида, куви, човли, барбекью, мангал*. Пазандачиликка оид касблар: *сомсапаз, айрончи, норинчи, шоколатье, самилъе*. Миллий таом билан боғлиқ удумлар: *тугун оши (огироёқ хотиннинг осон кўзи ёриши учун), кулча юмалатар (болакайнинг яши юриб кетиши учун), тиш бўғирсоқ (чақалоқнинг тишлари чиққанда), ҳасип солар (чақалоқнинг сочи тўкилса), кутья (христиан динида марҳумни ёдлаш учун пишириладиган маросим ва таом номи)*. Овқатланиш объектлари: *сомсахона, чойхона, ресторан, қаҳвахона, меҳмонхона, тапчан, сўри*.

Олимлар таом реалияларини таржима қилиш уч асосий усулини (транскрипция, таржима ёки алмаштириш ва реалияларни алмаштириш) тавсия этадилар⁴⁶. Диссертацияда биз шу усулларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда кўриб чиқамиз: Транскрипция (транслитерация) – сомса –

⁴⁶Влахов С. Непереваемое в переводе. [Текст]: учебное пособие / С. Влахов, С. Флорин. – М.: «Международные отношения» – С. 118. [Электронный доступ]: <https://www.rulit.me/books/neverevodimoe-v-perevode-read-391814-1.html>

samsa (ингл), палов – pilaf (ингл), кабоб – kebab (ингл), норин – parin (ингл). Таржима (алмаштириш) – неологизм пицца А) калька – киевский котлет – киев котлети; Б) ярим калька – milk-sheik – сутли шейк (ўзб); Г) семантик неологизм – brauni – шоколадли торт (ўзб). Реалияларни алмаштириш – тухумбарак – eastern ravioli (ингл), лағмон – Uzbek ramen (ингл). Яқинлаштирилган таржима А) сомса – samosa (ингл., ҳиндча сомса), Б) чучвара – dumplings (ингл., асосан англиз тилига чучварага ўхшаш корейсча хамир таом номи билан ўтирилади). В) угра – homemade noodles (ингл., уйда тайёрланган лағмон).

Биз таом номларини икки турга ажратиб ўрганишни тавсия этамиз: 1. Содда глуттонимлар; 2. Реалия глуттонимлар.

Содда глуттонимларга ҳамма миллат тилида учрайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва умуминсоният учун тушунарли, миллий бўёқдан ҳоли таом ва ошхона анжомлари номларини киритиш мумкин. Уларни ҳам ўз навбатида кичик гуруҳларга ажратса бўлади: Мева ва сабзавотлар, кўкатлар, зираворлар, сут ва гўшт маҳсулотлари номлари: олма (apple), карам (cabbage), қовун (melon), шивит (dill), зира (cumin), гўшт (meat), пишлок (chees), тухум (egg), сут (milk). Таом, ичимлик ва қандолатчилик маҳсулотлари: шўрва (soup), шавла (porridge), нон (bread), бўғирсок (donut), чой (tea), шарбат (juice). Ошхона анжомлари: газ плитаси (oven), патнис (oven sheet), пичоқ (knife), қошиқ (spoon), санчки (fork). Реалия глуттонимлар эса келиб чиқиши бир миллатга хос бўлган ва бошқа миллат ошхонасига четдан кириб келган, фақат ўша ерда ўсадиган навдаги мева-сабзавотлар (бу категорияга экзотик реалиялар⁴⁷ киви, банан, ананас ва ҳкз. кирмайди), таом ва ошхона анжомлари номларини киритиш мумкин. Масалан: 1. Мева ва сабзавотлар, сут ва гўшт маҳсулотлари номлари: чили помидори, гурваки қовун, манцарелла (пишлок номи), пармезан (пишлок номи), дунган қалампири, қимиз, қази. 2. Таом, ичимлик ва қандолатчилик маҳсулотлари: пицца, палов, гаспаччо, хачипури, хинкали, айрон, текила, варақи, варенники. 3. Ошхона анжомлари: тандир, мангал, барбекью.

Матнда қўлланган глуттоним шунчаки таом номи сифатида қўлланмоқдами ёки ботиний мазмун, ишоравий характер касб этаётганлигини тўғри таҳлил қила билиш зарур. Глуттоник дискурсга оид матнларда учровчи реалиялар ўзида миллий колорит ва анъаналарни мужассам этганлиги боис таржимада мазкур муқобили йўқ лексик бирликлар ҳосил қилувчи прагматик таъсирчанликнинг тушиб қолиши эҳтимоли ниҳоятда катта. Масалан, «варақи» реалиясини олайлик. Варақи – тайёрланиши жиҳатидан қийин пишириқ ҳисобланади. Пишириш усулида хамирга бир неча бор ишлов бериш, гўштни қиймалаш ва қовуриш, варақини букиш ва яна қовуриш жараёнлари борлиги учун бу таом куда-андалар ёки нозик меҳмонлар учун тайёрланган. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»

⁴⁷ Экзотик реалия – торопик минтақаларда ўсадиган мева ва сабзавот номлари. Бу ҳақда қаранг: Влахов С. Кўрс. асар.

асарида «варақи» ёзувчи томонидан асар қаҳрамони Мирзакарим Қутидорнинг Отабекка илиқ муносабатини ифодалаш учун хизмат қилган:

Аслият:

Чўрингни чиқариб меҳмонхонани тозалат. Анови янги қоплаган кўрпаларингни бер, танчага ўшани ёпсин. Катта гиламни ҳам чиқар, уйингда меваларинг бор эдимми?

— Бор.

— Бор бўлса яхши. Бир оздан сўнг эт олиб киргузарман, **варақи** пишириб қўйингиз.

Офтоб ойим варақи пиширишдан у кунги меҳмоннинг унча-мунча киши бўлмаганлигини билди.

— Қанақа меҳмон эди?

— Сен танимассан, тошкандлик бир йигит, тағи шу ерда-ги уч-тўртта оғайнилар. Тузикми, айтканларимни уқдингми?

— Уқдим-уқдим. («Ўтган кунлар»)

Бу асар таниқли америкалик таржимон Марк Риз томонидан инглиз тилига ўгирилган. Таржимон ўзбек маданиятига оид 300 дан ортиқ сўзларнинг изоҳларини келтирган. Турли топонимлар, урф-одат ва муомала маданиятида ишлатиладиган сўзларнинг изоҳини берар экан, таржимон миллий озиқ-овқат реалияси бўлган баъзи сўзларни шунчаки таржима қилган ва изоҳ бермаган.

Таржима:

And then turning to Oftob Oyim: «Please send a servant to tidy the Mehmon Khana. Prepare those newly sewn korpacha, let her cover the sandal with them. Lay out the big carpet. Is there any fruit for the table?»

«Yes, there is.»

«That's good. In a little while, I will send you to get meat to make us some varaqi»

*From the mention of varaqi Oftob Oyim realized **this would not be an ordinary guest.***

«Who is the guest?»

«You have never met him. He is a young man from Tashkent. There will be three or four other friends as well. Is everything understood?»

«I understand, I understand» («Bygone days» A. Qodiri. Translated by M. Reese)

Бу ердаги прагматик маънони, яъни Офтоб ойимнинг меҳмоннинг унча-мунча одам эмаслигини билганини чет китобхони калит сўз «варақи» орқали тушунмаслиги мумкин. Ушбу мисолда варақи транслитерация усулида таржима қилинган. Изоҳлар қаторида эса бу миллий таомга «*fried meat pie*» деб изоҳ берилган. Аммо биламизки, варақи «pie» (A **pie** – is a **baked** dish which is usually made of a **pastry** dough casing that contains a filling of various **sweet** or savory ingredients – ичига ширинлик ёки аччиқ қийма солиб пиширилган пирот) эмас, балки «filled puff pastry» (ичига қийма солинган қатлама хамирли пиширик) муқобил эквивалент бўларди.

Баъзан икки миллат ошхонасида ҳам мавжуд бўлган муайян таом номи таржима жараёнида нафақат лексик-семантик, балки прагматик жиҳатдан ҳам аслият матни мазмунининг йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, кўйидаги парчани таҳлил қиламиз: *Ошқовоқ сомса! Ошқовоқ сомса! Камбағаллик курсин илоҳим!* «Камбағал — худойимнинг суйган бандаси», дейдилар, шуми суйган банданинг ҳоли?! («Кеча ва кундуз», Чўлпон).

«*Pumpkin samosas! Pumpkin samosas! Damn poverty to hell! They say that the poor are Gods most beloved servants; can that really be true?*» («Night and day», Translated by Christopher Fort)

(Сўзма сўз таржимаси: *Қовоқли самоса (ҳиндча сомса), қовоқли самоса! Камбағалликни ер ютсин! Камбағаллар Худонинг энг севган қуллари дейишади. Шу ҳақиқат бўлиши мумкинми?*). Бу ерда америкалик таржимон Кристофер Форд реалияларни алмаштириш усулини қўллаган. Бироқ таржимон қўллаган функционал анолог «самоса» – ҳиндча ичига гўшт ёки сабзавотли қайла солиб қовуриб пишириладиган варақига ўхшаш таом. Бу таом АҚШдаги ҳинд ошхоналарида ҳам машҳур бўлиб, ичига гўшдан ташқари ҳар хил турдаги сабзавотлар қўшиб тайёрланадиган турлари мавжуд. Таъм, шакл, маза ва тайёрланиш техникаси жиҳатдан сомсага ўхшамайди. Инглиз тилидаги матндан асар қаҳрамонларининг ижтимоий аҳволи ночор бўлиб қолганлиги, гўштли таом ейишни соғиниб кетганлиги сезилмайди. Матннинг прагматик таъсирчанлигини тушуниш учун аввало, ўзбек халқи табиатига хос гўштли таомни севиб истеъмол қилиш, уйда гўшт бўлиши тўқинлик ва ўзига тўқлик нишонаси эканлиги ҳақидаги экстралингвистик маълумотга эга бўлиш лозим. Шунингдек, уйда гўшт бўлмаганда, картошка ёки қовоқ солиб сомса қилиниши, қовоқ сомсанинг ўзбек халқи орасида камбағалбоп пишириқ эканлигини изоҳлаш керак бўлади. Сабаби, чўнтаги кўтарса-да, сабзавот солинган овқат ва пишириқларни хуш кўрадиган европаликлар учун «қовоқ сомса» камбағалларнинг «овқат»и эмас, балки ижтимоий мавқеи баландроқ қатлам вакиллари истеъмол қиладиган «ширинлик», яъни десерт маъносини англатиши мумкин. Масалан, «Гарри Поттер: ҳикматлар тоши» асарининг бош қаҳрамони Гарри Хогвартсга йўл олаётиб, экспресс поездга чиқади. Йўлда истеъмол қилиш учун сеҳргарларнинг анъанавий таоми бўлган лаззатли қовоқ сомса сотиб олади. Кичкинагина қовоқ сомсачалар зираворлар солинган ўртача аччиқликда эди. У поездда янги танишган дўсти Ронга қовоқ сомсалардан беради. Роннинг оиласи ширинликка пул бера олмас, чунки камбағал эди⁴⁸. Кўриб турганимиздек, бир турдаги пишириқ, икки миллат олам миллий манзарасида икки хил ассоциация уйғотиши мумкин экан. Ўзбек адабиётида камбағалликка ишора сифатида қўлланган қовоқ сомса – Англияда десерт – ширинлик. Бу асардан илҳомланган инглиз пазандалари «Гарри Поттер сомсаси»⁴⁹ ёки «Хогвартс экспресс сомсаси»⁵⁰

⁴⁸Herbert Grebes. Literature, literary history and cultural memory. – Goettingen. Germany, 2005. – P. 6.

⁴⁹<https://whereismyspoon.co/harry-potters-pumpkin-pasties/>

⁵⁰<http://www.instructables.com/id/Hogwarts-Express-Pumpkin-Pasties/>

рецептини яратдилар. Китоб оламшумул шуҳрат қозонгач, «Гаррининг қовок сомсаси» Англияда энг машҳур таомга айланди.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Бадий асарларда глуттоник дискурс» деб номланиб қуйидаги қисмлардан иборат: «Бадий асарларда «таом» концептининг лингвомаданий хусусиятлари, «Гастрономик олам миллий манзарасини қайта яратиш», «Болалар адабиётида глуттоник дискурс таржимасида услуб ва маъно адекватлиги».

Сўнгги йилларда Европа адабиётшунослигида овқатнинг адабиётда турган ўрни ҳақида йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар турли илмий йўналишлар шаклланишига сабаб бўлди. Хусусан, «адабиётда овқат», «фольклоршунослик ва овқат», «замонавий шеърятда овқат», «аёллар адабиётида овқат», «болалар адабиётида овқат», «адабиётда тановул, таом истеъмол қилишнинг бадий тасвири», «овқат ва жисмоний майл уйғунлиги»⁵¹ каби илмий мавзулар ва тадқиқотларнинг борлиги ва олиб борилаётганлиги, овқатланиш ҳамда овқат мавзусининг Европа адабиётшунослигига нақадар чуқур кириб борганлигини кўрсатиб туради. Америкалик адабиётшунослар Кара Киллинг ва Скотт Поллардларнинг таъкидлашича, агар овқат адабиёт марказида турган субстанция, маданият ҳамда цивилизациянинг таянч нуқтаси саналар экан, у адабиёт учун ҳам фундаментал тадқиқот манбаидир. Модомики, озиқ-овқат маҳсулоти ҳар бир маданиятнинг ажралмас қисми экан, овқат ва тановул адабиёт ва санъатни англашда асосий воситалардан биридир⁵². Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида бу борада олиб борилган ва борилаётган тадқиқотларда соҳага дастлабки қадамлар қўйилмоқда⁵³. Бадий тасвир – аслида психоаналитик санъат. Бу ҳолат глуттоник тасвирий матнларда ҳам яққол кўзга ташланади. Психоаналитик назарияларга кўра, овқатланиш одати инсон шахсий баҳосини шакллантириш ва шахснинг оила ёки ижтимоий табақаси, жамиятдаги ўрнини кўрсатиб беришда муҳим. Таом ва у билан боғлиқ образлар доимо адабиётнинг бир қисми бўлиб келишига қарамасдан, руҳшунослик назариятида овқат ва овқатланиш жараёнини барча ижтимоий соҳалар объекти сифатида ўрганишга олиб келди⁵⁴. Диссертацияда ХХI аср Европа адабиётида оламшумул шуҳрат қозонган, экранлаштирилган асар –

⁵¹ Food in Literature – Introduction. Twentieth-Century Literary Criticism. Ed. Thomas J. Schoenberg, Lawrence J. Trudeau. Vol. 114. Gale Cengage, 2006. N.pag. eNotes.com. Web. 6 Feb. 2011.; Davis, Delmer. “Food as Literary Theme.” Identities and Issues in Literature. N.p.: Salem, 1997. N. pag. eNotes.com. Web. 6 Feb. 2011.; David, Jonathan C. “Food in Folklore.” Encyclopedia of Food and Culture. Gale, 2003. N. pag. Answers.com. Web. 11 Jan. 2011.; Dietrich, Carol E. “The Raw and the Cooked: The Role of Fruit in Modern Poetry.” Mosaic 24.3- 4 (1991): 127-44. Web. 8 Feb. 2011.; Keeling, Kara K. and Scott T. Pollard. “Introduction: Food in Children’s Literature.” Critical Approaches to Food in Children’s Literature. Ed. Kara K. Keeling and Scott T. Pollard. New York: Routledge, 2009. Prin Sceats, Sarah. Food, Consumption, and the Body in Contemporary Women’s Fiction. – Cambridge: Cambridge University Press, 2000.

⁵² Kara K. Keeling, Scott T. Pollard. “Introduction: Food in Children’s Literature.” Critical Approaches to Food in Children’s Literature. Ed. Kara K. Keeling and Scott T. Pollard. New York: Routledge, 2009. Print.

⁵³ Бу ҳақида қаранг: Fatih Kaya. Kutadgu Biligde Türk Yemek Adabı ve Kültürü // <https://www.researchgate.net/publication/320639064>; Хақимова С.Д. Инглиз ва ўзбек тиллиридаги озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик таҳлили // ЎзМУ хабарлари. 2016, №1. – Б. 276-279.

⁵⁴ Food in literature. Twentieth-Century Literary Criticism. Ed. Gale Cengage. – Oxford University Press, 2006.

Жоан Харриснинг «*Chocolat*» («Шоколад») романи ва ва бошқа асарлар киёсий таҳлил қилинган.

Европада таом мавзуси ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига кириб борганлиги ҳақида эсдалик мемуар асар («*Eat Pray Love: One Woman's Search for Everything Across Italy, India and Indonesia*» – «Овқат е, ибодат қил, сев: аёлнинг Италия, Ҳиндистон ва Индонезия бўйлаб бахт излаб қилган саёҳати») муаллифи Элизабет Гилберт қуйидагича фикр юритади:

«*What a large number of factors constitute a single human being! How very many layers we operate on, and how very many influences we receive from our minds, our bodies, our histories, our families, our cities, our souls and our lunches!*»⁵⁵ Таржимаси: *Биргина инсон умри қанча кўп омилдан ташкил топган! Қанчалик кўп қатламдан таркиб топганмиз, онгимиздан, жисмимиздан, тарихимиздан, оилаларимиздан, қалбларимиздан ва тушликларимиздан келувчи таъсирларни қабул қиламиз!* (Таржима бизники – Г.О). Асар муаллифнинг ички кечинмалари ҳаёт ва жамият ҳақидаги фалсафий қарашларини ўзида мужассам этган. Муаллифнинг онг, жисм, тарих, оила, қалб каби юксак тушунчалар билан бир парадигматик қаторда «тушлик»ни ҳам санаши, Фарб кишиси тасаввурида «таом» концептининг ўрни юқори эканлигини англатади. Шарқдаги «ейиш учун яшаш эмас, балки яшаш учун ейиш керак» деган кўп асрлик тушунча қон-қонимизга сингиб, исрофгарчилик, маишатпарастликдан кишиларни тийиб тургани боисми, адабиётимизда таом ва овқатланиш жараёни юксак даражада бадиий тасвирлашга у қадар урғу берилмайди. Бироқ Европа адабиётида бу алоҳида бир йўналиш («*food in literature*» – «адабиётда овқат») сифатида санъат даражасида кундан кун ривожланиб бормоқда.

Шарқ адабиётида глуттоник дискурсининг ўзига хос жиҳатларини кўриш учун Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Пиримкул Қодиров ва бошқаларнинг ижодига мурожаат қилдик, диссертацияда жуда катта материал таҳлилга тортилган. Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, маданияти фарқ қилувчи халқлар адабиётида глуттоник дискурс қуйидагича мақсадларда қўлланган деган хулосага келиш мумкин:

	Инглиз адабиётида	Ўзбек адабиётида
	Руҳий лаззат	Руҳий изтироб, тўкинлик орзуси
	Қаҳрамоннинг физиологик ва психологик портрети тасвирида	Қаҳрамоннинг негатив портрети тасвири
	Хуш кайфият ва руҳий ҳолат тасвири	Муаллифнинг қаҳрамон феълига муносабатини ифодалашда
	Маданият тасвирида	Маданият тасвирида

Кузатишларимизга кўра, миллий маданиятимиз билан боғлиқ глуттонимнинг тўғри таржима қилинмаслиги натижасида аслиятдаги олам

⁵⁵ Gilbert E. *Eat Pray Love: One Woman's Search for Everything Across Italy, India and Indonesia*. London: Bloomsbury Publishing, 2010. – P. 51.

миллий манзараси қайта яратилмаган ҳолатлар мавжуд. Диссертацияда аниқ бадий парчалар мисолида қатор тавсиялар берилган.

Ишнинг тўртинчи бобида «Гастрономик соҳага оид матнлар таржимасининг лингвомаданий муаммолари» ўрганилган. Рецепт ёки таомномадаги таом номининг тўғри таржимаси мижознинг шу таомни буюртма қилиш хоҳишини келтириб чиқаради⁵⁶. Глюттоник дискурс жанрлари бўлган таомнома ва рецептларни таржима қилиш, дастлабки босқичда энг кичик компонент – глюттоник номинант, яъни таом номи таржимасидан бошланади. Ўзбек миллий ошхонасига мансуб таом номлари тарихига назар соладиган бўлсак, глюттонимларнинг қўлланиш даврини аниқлашга хизмат қиладиган ёзма ёдгорликлар, аввало, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари (XII аср), кейин муаллиф номаълум «Аттухфатуз зақкияту филлуғатит туркия» (XII-XIV аср), Навоий асарлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» каби асарларида таом номларининг негизи ва лексик қатламлари ҳақида маълумот берилган⁵⁷. Тилшунос олима М.Худоёрова ўзбек тилидаги таом номлари тарихини таҳлил қилар экан, «Девону луғатит турк»да 80 дан ортиқ таом номи келтирилганлиги, улардан 16 таси бугунги кунда ҳам айрим фонетик ўзгаришларга учраб қўлланиб келаётганини такидлайди⁵⁸. Диссертацияда ҳар бир категорияга мансуб таом номинантлари бир неча гуруҳга бўлиб таҳлил этилган, ўзбек ва инглиз миллий таомлари таржимасида қўлланиши мумкин бўлган таржима трансформациялари кўриб ўтилган. Таҳлиллардан келиб чиқиб, ўзбек пазандачилиги намуналари ҳисобланмиш миллий таомларимиз рецептларини ёзишда амал қилиниши мақсадга мувофиқ бўлган мезонлар ишлаб чиқилган. Аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик: ўзбек ва инглиз тилларидаги маҳсулот номларининг икки тилли глоссарийсини яратиш; ўзбек ва инглиз тилларида таом тайёрлаш техникасига оид феълларнинг икки тилли глоссарийсини яратиш; ўзбек ва инглиз тилларида ошхона анжомлари номларининг икки тилли глоссарийсини яратиш; ўзбек ва инглиз тилларининг рецептларда қўлланивчи актив гап конструкцияларини қиёсий таҳлил қилиш ва тартиб бериш. Рецепт ёзиш технологиясининг қиёсий чоғиштира таҳлиллари натижасида таом рецепти қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: масалликларнинг тўлиқ берилиши ва рецепт матнида ҳар бир маҳсулотнинг қўлланишини назорат қилиш; жараёни батафсил тасвирлаш; таом тайёрланиши жараёнида ишлатиладиган асбоб-ускуналарга оид маълумотларнинг берилиши; ўлчов бирликлари ва таом чиқиш порциясининг аниқ берилиши; тайёр таомнинг 100 граммадаги килокалория миқдори; таом тайёрланиш жараёнида қўлланиладиган

⁵⁶Ундрицова М.В. Глюттонический дискурс: лингвокультурологические, когнитивно-прагматические и переводческие аспекты. Дисс...канд. филол. наук. – М: 2015. – С. 152.

⁵⁷Худаярова М. Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили. Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 20.

⁵⁸Худаярова М. – Б. 21.

эҳтиёткорлик чоралари, сир-синаотлари ҳақида ҳам маълумот бериб бориш. Ушбу тавсиялар глуттоник матнлар лингвомаданий талқини ёрқинлиги учун хизмат қилади.

Маълумки, «глуттоник прагматонимлар» деб гастрономик ОМЛМда кишилар прагматик тафаккурини акс эттирувчи сўз ва тушунчаларга айтилади. Ўзбек ва инглиз тилларидаги глуттоник прагматонимларнинг маданиятлараро уйғунлиги ўзбек ва хориж тилшунослари томонидан умуман тадқиқ этилмаган. Оламнинг ўзбек миллий лисоний манзарасини ўрганар эканмиз, бу тизимда гастрономик прагматоним алоҳида ўрин эгаллашига гувоҳ бўламиз. Мазкур тизимдаги прагматонимлардаги мантиқсизликлар сайёҳлар эътирозига сабабчи бўлиб, Ўзбекистоннинг туристик имиджига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Масалан, бир европалик сайёҳ Тошкентга ташриф буюради. Шаҳарни айланиб юрар экан, интернетдан шаҳардаги ресторанлар рўйхатини қидиради. Француз таомларини истеъмол қилиш мақсадида «Версаль» ресторанига боради. Ресторанга етиб борган сайёҳ бу ерда француз таомлари тайёрланмаслиги етмаганидек, тўйхонага келиб қолганлигини тушунгач, бу глуттоник прагматоним бутунлай мантиқсиз кўйилганлигига гувоҳ бўлади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, прагматонимларда миллий маданий тимсолларнинг акс эттирилиши гастрономик ОМЛМнинг жаҳон этномаданияти билан интеграциясини таъминлайди. Глуттоник прагматонимлар, бир томондан, этномаданият ифодаловчиси бўлса, иккинчи томондан, бу маданиятни дунёга олиб чиқиш, ёйиш воситаси ҳамдир. Шу маънода, полифункционал характерга эга бўлган глуттоник прагматонимларнинг мазкур жиҳатига эътибор қаратиш муайян халқнинг дунё маданияти билан уйғунлашуви ва унда ўз миллий мақомини эгаллашида катта аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги УОК тизимида фаолият юритаётган ресторанлар номларини таҳлил қилиш натижасида куйидаги хулосага келдик: ресторан номи унинг интерьерини ва дизайнига ҳамроҳанг бўлиши лозим; ресторан номи ва таомномаси уйғунлигини сақлаш ресторан имиджини таъминлайди; ресторани номлашда глуттоник прагматонимларнинг хусусиятларини ўрганиб, ресторан фаолияти ва йўналишидан келиб чиқиб ном танлаш мақсадга мувофиқдир.

Меню (таомнома) – қулай, ихчам, лисоний жиҳатдан имловий хатолардан холи бўлиши лозим. Менюнинг дизайни унчалик даромад келтирмайдиган таомни ҳам энг харидоргир маҳсулотга айлантира олиши мумкин. Меню шакли ва жойлашуви таомноманинг муваффақият калити бўлса, унинг соф ва равон, гастрономик «иштаҳа очар» лексикадан фойдаланилган ҳолда ёзилиши ва таржима қилиниши шу муваффақиятнинг барқарорлигини таъминлаб берувчи асосий омил. Тадқиқотимизда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудидаги УОКлар менюлари таҳлил қилиниб, инглиз тилига таржималари таҳрир қилинди. Кўплаб таҳлиллар натижасида таомнома яратиш, таржима қилиш ҳамда уларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқдик. Ушбу мезонлар асосида кўплаб таҳлиллар амалга оширилди, тавсиялар ишлаб чиқилди. Улар диссертацияда батафсил ёритилган.

Кулинар энциклопедия ва глоссарий ҳар бир миллат ошхонасини дунёга танитиш, қадимий рецептларни тиклаш, хорижлик рецепторга шу миллатнинг маданияти, овқатланиш анъаналари ҳақида кенг маълумот беришда муҳим восита саналади. Бизнинг назаримизда, у қуйидаги қисмларга бўлингани мақсадга мувофиқдир: Биринчи бўлим – маҳсулот номлари луғати. Иккинчи бўлим – ошхона буюмлари луғати. Учинчи бўлим – жараён мобайнида ишлатиладиган сўзлар луғати. Тўртинчи бўлим – махсус тайёрланган ярим тайёр маҳсулот номлари луғати. Бешинчи бўлим – миқдор бирликлари. Кулинар глоссарийни яратишда қуйидаги мезонларга риоя қилишни тавсия этамиз: гастрономик терминларнинг аниқ эквивалентларини топиш; аслият тилидаги рецепт клишеларини қиёсий таҳлил қилиш; глоссарийнинг ҳамма бўлимларининг мавжудлиги; глоссарий изоҳларининг қисқа ва раво тилда ёзилиши, таом мансуб бўлган халқнинг лингвомаданий қарашларини акс эттириши.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Тадқиқотимиз жараёнида ўтказилган таҳлиллар бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Халқнинг маънавий-менталитал қиёфасини шакллантиришда тилнинг ўрни алоҳида. Тилнинг муайян хусусий дискурслари бу борада салмоқли маълумот ташиydi. Глуттоник дискурс умуминсоний белгилар миллий ўзига хосликларни акс эттирувчи хусусий дискурсларнинг энг ёрқин намунасидир. Овқатланиш инсон ҳаётининг асосий эҳтиёжларидан бўлиб, ижтимоий ҳолати, антропологик белгилари ва ҳкз.лардан қатъи назар барча учун хосдир. Шундай экан бу хусусий дискурс тааллуқли бўлмаган миллат тили мавжуд эмас. Ҳар қандай миллатнинг оламнинг миллий лисоний манзараси – ОМЛМда у алоҳида ўрин эгаллайди ва мазмунига таъсир ўтказди. Глуттоник дискурсни тадқиқ қилиш, гастрономик истилоҳларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш миллат ҳаёти, дунёқараши ҳақида беқиёс маълумотлар беради. Миллий маданиятни тарғиб этишда глуттоник фреймлар ва архетипларни қайта яратишга доир муаммоларни ҳал этиш жуда муҳим.

Дунё тажрибасидан туризмнинг гастрономик кўриниши жадаллик билан ривожланиб бораётгани маълум, бироқ Ўзбекистоннинг катта имкониятларига қарамай, бу соҳа оқсамоқда. Мазкур йўналишнинг муваффақияти шарти Ўзбекистоннинг гастрономия жиҳатдан жозибадорлигини ошириш, хорижлик сайёҳларга гастрономик хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга тўсиқ бўлаётган омиллардан бири глуттоник лексик аппаратни хусусий дискурс сифатида тадқиқ этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ишлаб чиқилмаганлигидадир.

2. Дискурс назарияси ва таҳлили мураккаб тектологик йўналиш бўлиб тилшуносликнинг матн тилшунослиги, психоллингвистика, семиотика, компьютер тилшунослиги, таржимашунослик, риторика, лингвокультурология каби йўналишлари ҳамда фалсафа, социология,

этнология, сиёсатшунослик, юриспруденция каби ёндош фан йўналишлари тараққиётида муҳим ўрин тутади. Оламнинг миллий лисоний манзараси (ОМЛМ) ни ўрганиш орқали маълум миллат характери ни лингвомаданий моделлаштириш замонавий тилшуносликнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширувчи тадқиқотларга кенг йўл очади. ОМЛМ ҳали тилшуносликда ўзининг мукамал тавсифига эга эмас. Муайян тил ҳамжамияти тафаккурида пайдо бўлган ва она тилида аксини топган олам ҳақидаги тасаввурлари инсон онгида концептуал тизим шаклида воқеланади. Табиат ва жамиятинсоннинг олам ҳақидаги тасаввури концептуал тизимида тўлиқ акс этади. Бундай тизимлар мунтазам тараққиётда бўлиб, миллат ОМЛМини ташкиллаштиради.

3. Концепт ва тушунча умумий ва фарқли томонларга эга. Воқеликдаги предмет, ҳодиса, ҳаракат ҳақидаги билим тушунча бўлса, ушбу билимга тил ташувчисининг маданий-менталитал баҳоси концептдир. Муайян концептлар йиғиндиси тил ташувчисининг концептосферасини ташкил қилади ва у ўзи иштирокчисига айланган дискурсда ана шу концептуал онги доирасида мулоқотга киришади. Инсон бевосита иштирокчисига айланган дискурслар йиғиндиси оламнинг лисоний манзарасини ташкил қилади. Ана шу лисоний манзара негизида муайян тилнинг ОМЛМ ҳосил бўлади. Бу ОМЛМ умумий олам манзараси ҳақидаги тасаввур билан узвий боғлиқ.

Тил – концептуал тизим – дискурс – ОМЛМ силсилавий градуономик катори ОМЛМнинг аспектларини ташкил қилади.

Ҳар бир дискурс ОМЛМни ҳосил қилишга хизмат қилади. Аммо бу тасвир фақатгина бир миллатга хос фикр ва қарашлар, маънавий онг, урф-одатлар, этногенез характердаги тушунчалар маҳсули ҳисобланади. Ҳар бир миллат вакилининг микроолами унинг миллатига хос ОМЛМнинг ажралмас қисми ҳисобланади. ОМЛМ бир миллатга хос бўлса-да, унинг асосида умумий ва ягона ОММ ҳақидаги тасаввур ётади.

4. Дискурс – нутқ ва нолисоний омиллар йиғиндиси бўлган мулоқот шакли. Ҳар қандай матн дискурс бўла олмайди: матн ташқи омиллар билан уйғунликда қаралганда дискурс сифатида намоён бўлади.

5. Дискурснинг хусусий кўринишларидан глюттоник дискурс ҳар қандай миллат ОМЛМида мавжуд. Овқатланиш инсоннинг енгиб бўлмас эҳтиёжидир.

6. Глюттоник дискурс барча ОМЛМларда шаксиз мавжуд бўлса-да, унинг баҳоланиши турлича. Тасаввуфий таълимотга эргашувчи мумтоз адабиётимиз намояндаларининг асарларида ҳам овқатдан, унинг лаззатини сўз билан тасвирлашдан тийилиш устунлик қилган. Натижада, мумтоз адабиётимизда «таом» концепти атрофида «таом оз бўлиши керак, уни кам истеъмол қилиш лозим, у кўп бўлса исрофгарчилик, ундан роҳатланиш тасвири — маишатпарастлик намунаси, ундан тийилиш, кечиш — ирода ва қаноатлилиқ, Аллоҳга яқинлашув; уни бировга бериш — мурувват; уни кам истеъмол қилиш соғлиққа кони фойда каби сўфиёна қарашларга йўғрилган концептосфера ҳосил бўлган. Бу ҳодиса эса, табиий равишда замонавий адабиётга ва ўзбек глюттоник дискурсига таъсирини ўтказган.

Европа мумтоз адабиётида эса глуттоник дискурдан куйидаги мақсадларда фойдаланилган: 1. Таомни лаззатли тасвирлаш орқали жинсий майл билан тенг кучга эга роҳат бахш этувчи восита егулик эканлиги ҳақидаги ғояни илгари суриш. 2. Глуттонимлар (таом номинантлари) дан турли метафоралар ва фразеологик бирликлар ясаш ҳамда улардан рухий кечинмаларни ёрқин ифодалаб берувчи бадиий тасвир воситаси сифатида фойдаланиш. Бундай қараш ОМЛМда ҳам ўз аксини топган.

7. Ўзбек гастронимик олам манзарасининг ҳосил бўлишида мифологик глуттонимларнинг ҳам роли катта. Нон, сув, буғдой, дастурхон, пичок, ўчок билан боғлиқ мифологик қарашлар уларнинг муқаддас тушунчалар сифатида ўзбек глуттоник дискурсида ўз ўрнига эга бўлибгина қолмай, глуттоник коммуникациянинг асосини ташкил этувчи гастронимик фреймларга ёки архетипларга айланишига хизмат қилди. Хусусий дискурслар шаклланишида бундай жиҳат бошқа миллатлар ОМЛМда ҳам учрайди. Мамлакатларнинг географик жойлашуви эса гастронимик олам манзарасининг турли тилларда ҳар хил акс этишига олиб келади.

8. Тараққиёт давомида глуттоник когнитив системада ўзгаришлар содир бўлади. Ушбу когнитив система атрофида содир бўладиган коммуникацион жараёнлар глуттоник дискурда ўз аксини топади. Ҳар бир миллат онги, тафаккури ва менталитети, иқлими ва маданиятидан келиб чиқиб, турли тилларга хос бўлган глуттоник дискурс бир-биридан фарқ қилади. Модомики, бир миллатга хос ОМЛМ таҳлил қилинар экан, бу тасвирнинг тўлиқ шаклланишида глуттоник дискурснинг ўз ўрни бор. Зеро, бир миллатнинг гастронимик олам манзарасига оид тасаввурларни ўрганиш, ўша миллатга хос ОМЛМни теранроқ тушунишга хизмат қилади.

Глуттоник дискурснинг марказий нуқтаси бу – ошхона. Таом тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш маркази ошхона экан, шу жойнинг ўзида коммуникатив жараён бошланади. Глуттоник дискурс маркази – муайян миллатнинг хонадонлари ошхонасида юз бераётган ўзгаришлар, янгилашлар шу миллатнинг ижтимоий ҳолати яхшиланиб бораётганлигидан, иқтисодий ўсиш ва фаровон турмуш тарзи сари қадам ташлаётганлигидан дарак беради.

9. Икки тил ва маданиятлар тўқнашувида глуттоник дискурсни англаш, бир қатор лисоний ва нолисоний омиллардан хабардорликни тақазо этади. Икки хил маданият кишиларининг олам ҳақидаги тасаввурлари тилда турлича ифодаланганидек, таом ва у билан боғлиқ жараёнларнинг инсон онгидаги синтези турлича бўлади. Вербал характерга эга ҳолат барча тил ва маданият вакиллари учун таниш ва тушунилиши осон кечса, новербал характерга эга коммуникатив воситаларни тушуниш, миллат вакили миллий-маънавий қиёфасини кашф этиш, гастронимик ОМЛМ ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун глуттоник дискурсни англаш керак.

Киши бир миллатнинг гастронимик олам манзараси ҳақидаги тасаввурини глуттоник дискурда учрайдиган куйидаги информатив омиллар орқали жамлаб олиши мумкин: этномаданият (овқатланишга оид вербал ва паравербал тушунчалар, қадриятлар, удумлар, урф-одатлар);

миллий ошхона (миллий таом, ширинлик, ичимлик ва газаклар, овқатланиш қоидалари); ижтимоий ҳолат (истеъмол қилинадиган маҳсулот турлари, ошхона жиҳозлари, ресторан ва барларнинг сони, нархи ва тури); миллий адабиёт (глюттонимлар тасвири, овқатланиш ва таом тасвири, бош қаҳрамонлар истеъмол қиладиган таомлар); лингвогеография (худудий иқлим ўзгаришлари, миллий таомларнинг худудий харитаси, иссиқ ва совуқ таомларни истеъмол қилиш харитаси).

Юқоридаги омиллардан максимал даражада хабардорлик ёт миллат кишиларининг кундалик глуттоник фаолиятида юз бераётган жараёнларни тўғри тушуниш ва баҳолаш, халқнинг маънавий қиёфаси, ижтимоий даражаси, кишиларнинг интеллектуал ақлий савияси ҳақида комплекс маълумотга эга бўлишга хизмат қилади. Бир миллатнинг глуттоник дискурси тадқиқот объекти қилиб олинса, бу тадқиқотда ўша худудда содир бўлаётган сиёсий-иқтисодий жараёнларга ҳам бемалол баҳо бериш мумкин бўлади. Кишиларнинг нимани истеъмол қилишлари уларнинг яшаш тарзи, сиёсий қарашлари ва ватанпарварлигидан ҳам далолат беради. Кишилар бир-бирларини овқатлари орқали кашф этадилар. Замонавий тилшуносликнинг янги йўналишларидан бири тилдаги лисоний олам тасвирини ўрганиш орқали маълум миллатнинг характерини лингвомаданий моделлаштиришдир.

Миллий характернинг доминант сифатлари тил семантикаси ва лисонда учрайдиган муайян ҳолатларда ўз аксини топган.

10. Глуттоник фаолиятда миллий характернинг ўзига хослигини очиб берувчи жиҳат овқатланиш туркумидаги глуттоник номинантлар ҳисобланади.

11. Муайян миллатнинг глуттоник дискурси ёт маданият вакили бўлган рецепиент томонидан нотўғри қабул қилиниши ёки когнитив диссонанс ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Ўзбек ва инглиз маданиятидаги глуттоник дискурснинг лингвомаданий муаммоларини ўрганиш бу икки маданиятдаги глуттоник дискурсга оид бир хил умуминсоний тушунчаларнинг маданиятлараро талқинини ўрганишни шарт қилиб қўйди.

Ҳар бир миллат лексикасида шундай глуттоник номинантлар учрайдики, улар шунчаки таом ёки озуқа номинанти эмас, балки, шу халқнинг миллий глуттоник архетиплари ҳамдир. Баъзан, бошқа маданият эгаларига глуттоник номинантларни тушуниш, таржима қилиш жиддий қийинчилик туғдириши мумкин. Маданиятлараро мулоқот жараёнида таржиманинг ҳар қандай кўриниши оғзаки, ёзма, соҳавий ва ҳкз. учун даставвал миллатнинг архитетик тасавурида муҳим ўрин тутадиган глуттонимларни таҳлилга тортиш ва тўлиқ информациялар банки шаклландандагина, мулоқот ва таржимага қўл уриш мақсадга мувофиқдир.

Таржимон бир тилдан иккинчи бир тилга бадиий адабиётни таржима қилар экан, ўз миллий адабиётида учрамаган янги стилистик воситалар, янги маданият, янги дунёқарашга дуч келади. Оламни англашнинг турлича талқинлари, қаҳрамонларнинг психологик портретини очиб бериш йўллари фақатгина таржимоннинг кенг билими ва мукамал сўз бойлигини китобхонга етиб бориши мумкин. Бадиий адабиётдаги овқат ва овқатланиш

жараёни тасвирларини ажратиб, концептологик таҳлилга тортилса, муайян бир миллат вакилларининг маданияти, турмуш тарзи, анъанаси, дунёқараши ва маънавияти ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бошқа миллатга хос дискурсда прагматик таъсирчанлик – маза, таъм ва у билан боғлиқ ассоциацияларни англаб етиши учун фон билимлари керак бўлади. Бадиий тасвир – аслида психоаналитик санъат. Бу ҳолат глуттоник тасвирий матнларда ҳам яққол кўзга ташланади. Адабиётдаги глуттоник дискурс тадқиқи, шу тил ва миллатнинг ОМЛМни теранроқроқ англашга хизмат қилади.

12. Глуттоник дискурс жанрларини, миллий таом номинантларини стилистик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг семантик ва этимологик хусусиятини ўрганиш замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларидандир. Таом номинантларининг лексик-семантик жиҳатлари, уларнинг ясалиши ва тайёрланиш хусусиятига кўра номланиш мотивацияси ўрганилмас экан, миллий таом номинантларининг изоҳларини тайёрлаб бўлмайди. Таржимон таом спецификасини билмай туриб, унинг менюбоп изоҳини ярата олмайди. Таом номинантлари таржимаси моделларини ишлаб чиқиш муҳим, бу ресторан таомномаларида миллий таомлар шунчаки транслитерация қилинишининг олдини олади ҳамда таомномалар нафақат овқат, балки шу таом кашфиётчиси бўлган халқ маданияти ҳақида ҳам маълумот ташиди. УОКларни номлашда прагматонимларнинг, шунингдек, рецепт ҳамда таомномаларнинг услубан ва мантиқан ишланган бўлиши, лингвомаданий маълумотларни ташиши сайёҳнинг миллий ошхонага бўлган ишқибозлик ҳиссининг ортишига хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ
МИРЗО УЛУГБЕКА**

ОДИЛОВА ГУЛНОЗА КОМИЛЖОНОВНА

**ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЙ
ИНТЕРПРЕТАЦИИ СПЕЦИФИЧЕСКИХ ДИСКУРСОВ (на примере
глоттонического дискурса)**

10. 00.11 - Теория языка, прикладная и компьютерная лингвистика

**АВТОРЕФЕРАТ
ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSC) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана - 2020

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан (рег. № B2020.3.DSc/Fil239)

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и Информационно-образовательном портале “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Сайфуллаева Раъно Рауфовна**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Владимир Ильич Карасик**
доктор филологических наук, профессор

Ҳакимов Муҳаммад Ҳўжахонович
доктор филологических наук, профессор

Шаҳобиддинова Шохида Хошимовна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Навоийский Государственный Педагогический Институт**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 20__ г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 100151, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел.: 0-373 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрированной за №____). (Адрес: 100151, г. Фергана, ул. Мураббийлар, дом 19. Тел.: (873) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz)

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года

(Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2020 года)

А.А. Қосимов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор филол. наук, профессор

И.Т. Хожалиев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, канд.
филол. наук, доцент

А.Б. Мамажонов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой лингвистике все большую актуальность приобретают проблемы практического использования языка, интерпретации языковых вопросов в связи с человеческим фактором, социальные задачи.

В то время как роль языка и литературы в развитии духовного образа и мышления людей неопределима, роль туризма в распространении плодов этого мышления по всему миру, укреплении его места в мировой цивилизации очень важна. Ведь если национальный язык и литература вызывают интерес к образу менталитета народа, то исторические памятники, культура и быт страны полностью отражают этот образ. Изучение теоретических и практических вопросов, служащих развитию туризма, является предметом новых направлений современной лингвистики.

